

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ



АМИР
АЛИШЕР

Шухрат Сирожиддинов

Амир Алишер

«Adabiyot»

Сирожиддинов Ш.

Амир Алишер / Ш. Сирожиддинов — «Adabiyot»,

Юртимиз ўз эркини қўлига олгач Алишер Навоийнинг тўлиқ ва тўғри таржимаи ҳолини тиклашга эҳтиёж бўлиб буюк шоир ва давлат арбоби ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ илк қўлёзма манбалар қайта кўриб чиқилди. Уларни қиёсий-типологияк, текстологияк таҳлилдан ўтказиш орқали ХХ асргача бўлган даврда яратилган маълумотларнинг илк манбалардан фарқланиш даражаси аниқланди. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятининг баъзи номаълум томонлари ойдинлаштирилди. Шу жараёнда бир қанча янги ахборотлар қўлга киритилиб, шоир ҳаёти тафсилотларини тўлиқ тасаввур қилиш имконияти яратилди. Ушбу китобда муаллифнинг шу йўналишда олиб борган узоқ йиллик изланиш ва тадқиқотларининг натижалари қисқа ва хронологияк кетма-кетликда келтирилган.

© Сирожиддинов Ш.

© Adabiyot

Содержание

СУЗБОШИ	5
БИРИНЧИ ҚИСМ АЛИШЕРНИНГ ЁШЛИГИ	7
Навоийнинг ота-боболари ҳақида	7
Мирзо Бойқаро ҳақида	11
Хусайн ва Алишернинг оталари ҳақида	13
Алишернинг болалиги ҳақида	15
Йигитлик даври ҳақида	16
Навоий ва Абу Саъид Мирзо муносабатлари ҳақида	21
Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида	25
Амир Алишернинг феъл-атвори ҳақида	28
Конец ознакомительного фрагмента.	31

Шухрат Сирожиддинов

Амир Алишер. Ҳаёти ва фаолияти

СЎЗБОШИ

Алишер Навоий – Шарқ Уйғониш-Ренессансининг йирик вакили сифатида жаҳон цивилизацияси тарихида, айниқса, туркий тилли халқлар маданий ва маънавий ҳаётининг ривожига алоҳида ўрин тутадиган ёрқин шахсдир.

Унинг адабий мероси ниҳоятда улкан ва серқирра. Шарқ адабиётининг деярли барча жанрларида ижод этган, жами шеърӣ сатрлари юз мингдан ортиқ. Бундай шоир жаҳон адабиётининг санокли десак, асло муболаға бўлмайдди. Инсонни ҳар томонлама етук, баркамол ва бағрикенг, юртни тинч ва обод кўриш, эл тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, турли халқларни ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликка, эзгу мақсадлар йўлида ҳамкорликка чақириш – мутафаккир ижодининг асосий лейтмотивини ташкил этади. Бу ғоялар, айниқса, Навоий “Ҳамса”сига киритилган дostonлар туркумида бадиий-фалсафӣ жиҳатдан бениҳоя таъсирчан, бетакрор шеърӣ пардаларда ифодаланган бўлгани учун ҳам у жаҳон адабиётининг ўзига хос обидаларидан бирига айланди. Унинг қаламига мансуб ғазал ва қасидалар, илмий ва дидактик асарлар асрлар оша бугунги кунларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмасдан келмоқда. Тўрт девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” тўплами, форсий девони ва қасидалари, диний-маърифӣ манзумалари ҳамда тарихий аҳамиятга эга хотира – “ҳолот”лари унинг тенгсиз сўз санъаткори, буюк файласуф ва олимлигини бутун олам тан олди. Унинг асарларида инсон маънавий-ахлоқий камолоти ғояси етакчи ўринни эгаллади. Одамийлик, бағрикенглик, эзгулик Навоий фалсафасининг асосини ташкил этди.

Алишер Навоийнинг туркий тил мавқеини кўтариш йўлидаги кураши “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўз аксини топди. Дарҳақиқат, Алишер Навоий тилимизнинг бой имкониятларини кўрсатиб бера олган ва араб ҳамда форс тилларидан ҳеч қайси жиҳатдан кам бўлмаган гўзал ва қудратли тил эканлигини исботлаб берган буюк тилшунос олимдир. Ўша даврларда форс тили поэзия тили, араб тили эса илмий тил деб қабул қилинган эди. Расмий ёзишмалар ҳар иккала тил қоришиғида омиктасидан иборат эди. Туркий тилга эса авом тили сифатида қараш устувор эди. Туркий халқларнинг кўп минг йиллик давлатчилик тажрибаси тарихи ва бой маънавий-адабий мероси мўғул босқинчилиги оқибатида йўқ қилиб юборилганлиги туфайли темурийлар даврида туркий халқларнинг шонли тарихи, тили ва қадриятларини тиклаш жуда қийин кечган. Ҳатто Темур саройида туркий тилнинг давлат тили даражасига олиб чиқиш ишлари охирига етказилмай қолган. Шундай бир шароитда Алишер Навоий ўз олдига турк-ўзбек тили мақомини тиклаш мақсадини кўйди.

Навоийнинг адабиётшунос сифатидаги тадқиқотлари туркий ва форсий адабиётни ривожлантиришда фавқулудда аҳамиятга эга бўлди. У “Мезон ул-авзон” асарида аруз тизимини тартибга солган бўлса, Шарқ шеърятининг муаммо, қасида каби XV асрга келиб деярли нутилаёзган жанрларини тиклашга алоҳида эътибор берди.

Алишер Навоий фақат шоир эмас эди. У темурийлар давлати тарихида алоҳида хурмат билан эсланадиган машҳур давлат арбоби ҳамдир. Навоий бутун онгли ҳаётини туркий халқларнинг нуфузини, миллий ор-номус ва миллий ўзига хослигини қайта тиклашга сарфлаган буюк ватанпарвардир. Навоий туфайли дунё халқлари туркона маданият ва маънавиятга алоҳида эҳтиром кўрсата бошлаганлар. Ҳазрат Навоий ўзининг ҳаётини халқимиз илм-фани ва санъатини ривожлантиришга, юрт равнақи, халқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади. Султон Ҳусайн Бойқаро ул зотни “Мамлакат устунни, давлат таянчи” деб бежиз атамаган. Навоийдаги бағрикенглик, адолатлилик,

донолик, сиёсатдонлик ва фуқаролар ғамини ейиш фазилатлари Султонга давлатни адолатли бошқаришда яқиндан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам Султон Навоийни дўст сифатида чексиз улуғлади ва қадрлади. Ҳар қандай шароитда ҳам уни ёнидан узоқлаштирмасликка ҳаркат қилди. Уларнинг бирга бўлиши давлатни мустаҳкамлаш, адолат ўрнатиш, ҳар соҳада, тил, маданият, санъат, илм-фан соҳаларини ривожлантириш билан бирга давлатнинг мудофаа қудрати, халқаро обрў-этиборини оширишга хизмат қилди. Ҳазрат Навоий гарчи ҳаётининг мазмунини ижод қилишда деб билса ҳам, давлат ва халқ манфаатини ўйлаб, халқ осудалиги йўлида Султон ёнида туриб муҳим давлат ишларини бажарди. Навоий Амири кабир – Бош вазир сифатида узоқ йиллар давлат бошқарувининг энг муҳим ва нозик бўғинларида, судадлия, ички ишлар, солиқ тизими, ташқи дипломатик алоқалар, ички низолар, чегара муаммолари, умумхалқ йиғинлари ва тадбирларида давлат ва халқ манфаатларини уйғунлаштирди ва ҳимоя қилди. Ҳазрат Навоий давлат хизматини мансаб-обрў учун эмас, балки миллат қадриятларини тиклаш, бутун дунёга тан олдиришдек улкан вазифани амалга ошириш учун бир имконият ва восита деб билди.

Мазкур китобда Алишер Навоийнинг таржимаи ҳоли энг қадимий, илк манбаларда берилган маълумотлар асосида ёритилди. Муаллифнинг илгари эълон қилинган мавзуга доир тадқиқотларида XV асрнинг II ярми XVI асрнинг бошларидан то XX асргача яратилган қўлёзма манбаларидаги Алишер Навоийга оид янгидан топилган манба ва маълумотлар илмий таомилга киргизилиб, навоийшуносликка шу кунгача маълум маълумотларнинг асл ҳолати ўрганилган, уларни қиёсий типологик-текстологик таҳлилдан ўтказиш орқали XX асргача бўлган даврда яратилган манбалардаги маълумотларнинг илк маълумотлардан тафовут қилиш, фарқ қилиш даражаси аниқланган эди.¹

Навоий даври манбаларидаги маълумотларни қиёсий типологик-текстологик жиҳатдан ўрганиш бир томондан, кейинги давр маълумотларининг бирламчи манбалардаги маълумотларга мослиги ёки аксинча, тўқимасига асосланган томонларини аниқлаб берган бўлса, иккинчи томондан, Навоий ҳаёти ва фаолиятининг ёритилиш даражаси, муаллифларнинг услубий ўзига хосликларини кўрсатиб берди. Худди шу жараёнда илк маълумотларни XVI–XIX асрларда яратилган иккиламчи манбалардаги маълумотлар билан типологик-текстологик жиҳатдан қиёслаб бориш, уларнинг асримизгача ўзгаришга учраб келиш сабаблари ва йўллари аниқлаб беришга имкон яратди. Кейинги даврлар манбалари муаллифларини Навоий ҳаёти ва фаолиятининг қайси жиҳатлари кўпроқ қизиқтирганлигини ва бу эса, ўз навбатида, уларнинг Навоий шахсиятига бўлган индивидуал ва субъектив қарашлари моҳиятини очиб берди.

Шунингдек бу китобда муаллифнинг олдин эълон қилган ишларига айрим сабабларга кўра киритишнинг иложи бўлмаган, шунингдек, аниқлаштирилиш нуқтаи назаридан қўшимча изланишни талаб қилган янги маълумотлар қўшилиб, ихчам кўринишда тақдим этилди.

¹ Қаранг: Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий – топологик, текстологик – таҳлили – Тошкент:»Академнашр». 2011.

БИРИНЧИ ҚИСМ АЛИШЕРНИНГ ЁШЛИГИ (1441–1469)

Навоийнинг ота-боболари ҳақида

Алишер Навоий ҳижрий 844 йил рамазон ойининг 17-кунида (1441 йил 9 февраль) Амир Темурнинг ўғли Шохрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Ҳиротда туғилди². Унинг аждодлари Амир Темурнинг донишманд маслаҳатчиларидан бўлиб, шахзода Умаршайх Мирзонинг мураббийси бўлган. Чунончи, тарихчи Абдураззоқ Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн” асарида шундай ёзади: “...Амир Алишердирким, қадим замонлардан унинг мукарам боболари ва аждоди олий амирлар қаторидан жой олган эдилар. Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур даврида уларнинг ҳаёти лавҳига кўкалдошлик бахти эътибор қалами билан ёзиб қўйилган эди”³. Ушбу асар ҳижрий 872 (мил.1467–1468)–874 (1469–1470) йиллари орасида ёзиб тугатилган ва ҳижрий 875 (мил. 1470) йили муаллиф уни яна давом эттириб, ўша йилнинг сафар ойида (1470, август) рўй берган воқеаларни ҳам қўшган.⁴ Асарнинг навоийшунослик учун **икки аҳамиятли** жиҳати бор. Биринчидан, у Алишер Навоий номини тарихда **биринчи бор ёзма** қайд этган манба ҳисобланади. Шунинг учун унда акс этган Навоий ҳаётига алоқадор маълумотлар тарихий факт сифатида муҳим. Маълумотлар қисқача ахборот тарзида келтирилса ҳам улуғ мутафаккир ҳаётини ўрганишда катта аҳамият касб этади. Иккинчидан, асар Навоий назорати остида яқунланган. Демак, Навоий ўзи ҳақидаги қайдларни кўрган. Маълумотнинг ниҳоятда қисқа берилишига қараганда Навоийнинг ўзи шуни маъқул кўрган бўлиши мумкин. Текширишлар натижасида Алишер Навоий даврида яратилган турли жанрларга мансуб асарларнинг бирортасида ҳам улуғ амирнинг ота-боболари ҳақида етарли маълумот берилмаганига ишонч ҳосил қилдик. Давлатшоҳ Самарқандий ўз тазкирасида Навоийнинг отаси тўғрисида жуда қисқа тўхталади. “Навоийнинг отаси Абулқосим Бобурнинг ишончли кишиси – Чигатой улуси улуғларидан эди”, дейиш билан кифояланади. Айни пайтда у Навоийнинг отаси харбий бўлганини таъкидлаб ўтади⁵.

Шуниси таажжублики, Навоий ҳаётлик пайти ва унинг ҳомийлигида яратилган барча асарларда Навоийнинг ота-боболари борасида юқоридаги маълумотларга қўшимча бўладиган факт йўқ. Ҳатто Навоий буюртмасига асосан ёзилган тарихий асарлар – “Равзат ус-сафо” ва “Хулосатул-ахбор”да ҳам учрамайди. Бу, ўз навбатида, Амир Алишер ўз замондошларига ота-боболари ҳақида ёзишга рухсат бермаган деган фикрга олиб боради. Алишер Навоийнинг ўзи

² Хондамир томонидан ёзилган “Равзат ус-сафо” асарининг охириги жилди хотимасида Алишер Навоийнинг Ҳиротда туғилгани қайд этилган. Батафсил маълумот учун қаралсин: Сирожиддинов Ш. XV–XVI асрлар тарихий ва тазкира-эсдалик асарларида Алишер Навоий ҳаёти ва фаолияти талқини. – Самарқанд: Зарафшон, 1997 йил, 21- бет. Фурсатдан фойдаланиб, мандан ўтган бир хатолик ҳақида эслатишим ўринли. 2019 йил “Маънавий ҳаёт” журналида чоп этилган “Навоий Ҳиротда туғилганми?” номли бир мақоламда Навоий Совада туғилган бўлиши мумкин деган илмий фаразни ўртага ташлаган эдим. Гап шундаки, Хондамир қаламига мансуб “Равзат ус-сафо” еттинчи жилди ва “Хулосат ул-ахбор” Навоийга бахшида этилган. Унинг учинчи асари – “Ҳабиб ус-сияр” анча йил ўтиб тугалланган бўлиб, бу асарга сафавийлардан бўлган Ҳирот ҳокими Ҳабибуллоҳ Соважий хомийлик қилган. Бу асарларнинг хотима қисмлари жуда ўхшаш. Хондамир олдинги икки асарида Навоий номини тилга олиш одобдан саналмагани учун турли эпитетлар қаторида соҳибдавлат атамасини ишлатган. Шу атама “Ҳабиб ус-сияр”да совалик Ҳабибуллоҳ Соважийга нисбатан ҳам қўлланган. Унда “Соҳибдавлатнинг туғилган ери Совадир” деган жумла мавжуд. Навоийга бағишланган конференция учун мақола тайёрлаш жараёнида қўлимдаги хотималарнинг фотонусха varaқлари аралашиб кетиб, шошилинча унинг Совада туғилгани ҳақидаги қайд Навоийга алоқадор деб тушунганман.

³ Матлаи саъдайн (1), 331^а. Форс тилидан муаллиф таржимаси. Китобда келтирилган барча таржималар муаллифга тегишлидир. Бошқага тегишли бўлганда таржимон исми кўрсатилади.

⁴ Ўша қўлёзма, 331^а.

⁵ Давлатшоҳ Самарқандий, 370.

хам ота-боболари ҳақида деярли маълумот қолдирмаган. Бир-икки умумий маълумотларни ҳисобга олмаганда, албатта. “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг муқаддимасида “ота-отадин етти пуштга дегинча бу рафиъ дудмоннинг (Хусайн Бойқаро сулоласининг) бойири бандаси (синалган қадимий қули) ва бу васиъ остоннинг (даргоҳ, эшикнинг) мавруси туғмаси (сулолавий туғишгани), яъни бу хоназоданинг (Хусан Бойқаронинг) хонаводаси (ичкиси, оила аъзоси), бу хонаводанинг (сулоланинг) хоназодаси (уйида туғилган қули)” деб ўзи ва ота-боболарининг темурийлар хонадонига қариндошлик даражасида яқин бўлганини таъкидлаб ўтган⁶. Шунингдек, “Вақфия” асарида “бу хоксорнинг ота-обоси ул ҳазратнинг (Султон Хусайн Бойқаронинг – Ш.С.) аҳо ва аждоди хизматларидаким ҳар бири салтанат конининг гавҳари ва шужоат бешасининг ғазанфари эрдилар-улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга комгор бўлгон эрдилар”, дея⁷ ўзининг насл-насабига ишора этган. Отаси ҳақида эса мавзу талаб қилган жойда бироз сўз юритишга мажбур бўлган жойлари мавжуд. Масалан, “Мажолис”да Мир Шоҳий номли шоир жасади Астрободдан ватани Сабзаворга олиб келинган пайтда унинг отаси бу ерда ҳукумат ишларига бошчилик қилиб турганлигини айтиб ўтади⁸. Унинг қанча пайт ҳокимлик қилгани ва Сабзавордаги ҳаёти ҳақида бошқа маълумот келтирмаган. Аммо негадир бирон-бир асарида ота-онаси исмларини тилга олмайди. Фақат тоғалари Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибий ҳамда укаси Дарвишали ҳақида “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида бир оз тўхталади, у ҳам бўлса тазкира талаби нуқтаи назардан жуда қисқа берилган⁹.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Амир Алишернинг ота-боболари билан боғлиқ маълумотлар фақат шоир вафотидан кейин ёзилган асарларда учрайди. Масалан, Навоий давридаги манбаларда бир овоздан Амир Алишернинг ота-боболари олий амирлар қаторида бўлганлари таъкидланган бўлса-да, Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг ҳижрий 951 (мил. 1544–1545) йил ёзилган “Тарихи Рашидий” асарида унинг келиб чиқиши ҳақида бошқача маълумот берилган. Жумладан, унда “Навоий асли уйғур бахшиларидан эди” деб таъкидланган¹⁰.

Семенов Навоий ва Хусайн Бойқаро муносабатларига доир мақоласида “бахшилар-девон, маҳкама ходимлари” деб қуруққина тушунтириш билан чекланса, Т.Султонов ўз тадқиқотида бошқа бир муносабат билан Абулғози Баҳодирнинг таърифи ва В.В.Бартольднинг хулосасига асосланиб, бахши-котибларнинг мавқеи ва вазифалари ҳақида анча тушунтириш беради: “...Уйғур халқи орасида саводхон кишилар кўп бўлган. Улар ёзув-чизувларни яхши олиб боришар ва девон ҳисоб-китобларини яхши билар эдилар. Чингизхон сулоласи даврида Мовароуннахр, Хуросон ва Эронда девон ва маҳкама ходимларининг барчаси уйғурлардан эди. Уйғур ҳарфи билан ҳужжат тўлдирадиган Туркистон хонларининг котиблари ва амалдорларига нисбатан асл маъноси будда руҳонийларини англаувчи “бахши” (санскритча “**бхикшу**”) истилоҳи қўлланар эди. В.В.Бартольднинг тахминича, “мазкур котиблар чигатой хонлари даргоҳида мусулмон маданияти вакилларидан кўра тахтга яқинроқ турганлар ва тарихий воқеаларни зикр этиб бориш тамоман уларнинг қўлларида бўлган”¹¹. Тарихчи олим Чингизхон даврида бутпараст уйғурлар дини жиҳатидан мўғулларга, тили жиҳатидан эса Марказий Осиё халқларига яқин бўлганликлари учун мўғул хонлари улардан унумли фойдаланганлар ва табиийки, уйғурлар мусулмонлардан кўра мўғулларга яқинроқ ҳисобланганлар, деб хулоса чиқаради. Мўғуллар истилосининг дастлабки даврларида балки шундай бўлгандир. Жаҳонгир Амир Темур Кўрагоннинг тарихи ёритилган “Зафарнома”да Шарафиддин Али Яздий ёзув-чизув ишларини олиб борувчи кишиларни “бахшиёни турк” деб атаган¹². Бундан маълум бўла-

⁶ Бадоеъ ул-бидоя, 17.

⁷ Вақфия, 166.

⁸ Мажолис, 27.

⁹ Мажолис, 66-120.

¹⁰ Тарихи Рашидий, 121^б.

¹¹ Памятники... 104-105.

¹² Зафарнома, 99^б.

дики, Темур саройида ёзув-чизувларни асосан маҳаллий миллатга мансуб котиблар олиб боришган. Бироқ котиб ўрнида бахши сўзини ишлатиш мўғул хонларидан анъана бўлиб қолгани сабабли ҳар икки атама бир маънода қўлланган. Демак, Темур даврида котибларни бахши номи билан аталишига анъана деб қараладиган бўлса, унда Мирзо Ҳайдар Навоийни “Уйғур бахшиларидан” деб атаётганида унинг миллатини эмас, балки аждоди сарой котибларидан бўлганлигини айтмоқчи эканлиги маълум бўлади¹³. Шу нарсага эътибор қилиш керакки, бу маълумот Мирзо Ҳайдар асаридан бошқа XV–XVI аср бошида яратилган бирор-бир манбада учрамайди. Навоий билан шахсан таниш бўлган тарихчилар ва олиму ижодкорларнинг бундай маълумот бермаганликлари туфайли Мирзо Ҳайдар маълумотига эҳтиёт бўлиб ёндашиш талаб этилади. Иккинчидан, Мирзо Ҳайдар Навоийнинг вафотидан сал илгарироқ, яъни ҳижрий 905/1499–1500 мил.) йили Тошкентда туғилган. Умрининг асосий қисми Кошғарда ва охири Ҳиндистонда ўтган. Унда Навоий ҳақидаги маълумотларни улуғ шоирни шахсан таниган кишилардан олиш имконияти йўқ эди. Ҳатто умрининг охирини бобурийлар саройида ўтказган Хондамир ҳам Мирзо Ҳайдарнинг Ҳиндга келишидан тахминан етти йилча илгари вафот этиб кетган эди. Шундай бўлгач, Мирзо Ҳайдар бахс этилаётган мавзу бўйича ўз маълумотларини қайта текшириб кўриш имконига эга эмас эди. Учинчидан тарихий асар яратилиш жараёнида муаллиф баъзида ёзма манбаларга эмас, балки узунқулоқ гапларга таяниб, уларни факт сифатида қайд этганлиги фанга маълум. Тарихчи олим Т.Султонов XV–XIX асрларда яратилган тарихий асарлар мазмунига бағишланган тадқиқотида таъкидлашча, Мирзо Ҳайдар ҳам кўпгина ўринларда шу йўлдан борган¹⁴.

Навоийнинг ўзи ота-боболари темурийлар салтанатида “Улуғ маротибга сазовор ва бийик маносибга комгор бўлгон эрдилар” деган экан, биринчи навбатда унинг ўзига ишонмоқ керак. Мирзо Ҳайдарникига ўхшаш хулоса кейинги асрларда яратилган айрим манбаларда ҳам учрайди. Жумладан, “Баҳр ул-асрор фи маноқиб ал-ахйор” (XVII аср, Балх), “Том ут-таворих” (1598 йил, Бухоро), Фаҳмийнинг “Тазкират уш-шуаро” (XIX аср, Самарқанд), Садр Зиё тазкирасида (XX аср, Бухоро) ҳам қисқа тарзда “Амир Алишернинг аждодлари уйғур бахшиларидан” деган қайд мавжуд¹⁵. Эътибор берилса, ушбу бир хил маълумот фақат Ўрта Осиёда яратилган манбаларда учрамоқда. Шуниси қизиқки, “Тарихи Рашидий” асарини чуқур ўрганган тарихчи Т.Султонов ҳам унинг нусхалари Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистондан ташқарида, хусусан, Яқин Шарқда тарқалмаганлигини алоҳида таъкидлаган. Амир Алишернинг “бахши”лардан эканлиги ҳақидаги кейинги даврларда учраган маълумотлар Мирзо Ҳайдар асаридан олинган дейиш мумкин.

Хондамирнинг тарихга оид “Ҳабиб ус-сияр” асарида (1524 йил тугатилган) биринчи марта Навоий отасининг исми зикр этилади. Унда қайд этилишича, шахзода Мирзо Султон Иброҳим б. Алауддавла б. Бойсунғур б. Шохрух Мирзо Самарқанд хукмдори Абу Саъид Мирзо хузурига элчилар юборилганда уларга ҳамроҳлик қилиш Амир Алишернинг **отаси Ғиёсиддин Кичкинага** топширилган¹⁶. Мирзо Ҳайдар Дўғлот ҳам “Тарихи Рашидий” асарида унинг отаси номини Амир Кичкина тарзида келтиради¹⁷.

Навоий вафотидан кейин 1521–1522 йилда ёзилган Фаҳрий Ҳиротийнинг “Латоифнома”сида шундай келтирилади: “Мирнинг таржимаи ҳолидан хабардор мўйсафид тарихчилар ва тўғри сўзли дунё кўрганлар ўз асарларида шундай келтирадиларким, Мирга амирлик мансаби **меросийдур**. Унинг отаси Амир Кичкина султон Абу Саъиднинг хизматида эди (гап Абу Саъид Мирзо Хуросон тахтини эгаллаган 1457 йилдан кейинги давр ҳақида кетмоқда – Ш.С.).

¹³ Семенов 1960, 238; Subtenly (2),800.

¹⁴ Памятники...192.

¹⁵ Баҳр ул-асрор,160^а; Тазкираи Фаҳмий, 36^а.; Садр Зиё, Баёз. 20^а; “Том ут-таворих”даги маълумот А.Ҳайитметовнинг мақоласидан олинди. Қаранг: Ҳайитметов 1974 (2),184.

¹⁶ Ҳабиб ус-сияр, 570^а.

¹⁷ Тарихи Рашидий,121^б.

Гарчи мухру мансаби бўлмаса ҳам катта хурматга эга эди. Она томонидан бобоси Амир Шайх Абу Саъид Чанг Мирзо Бойқаро хонадонидан **Амир ул-умаро** эди. Мир ўн ёшлигидан Бобур Мирзо хизматида бўлиб, (султон) уни фарзандидек кўрарди. Мир замон султони (Ҳусайн Бойқаро) билан мактабда ҳамсухбат ва ҳамсабоқ эди. **Улар қачон бошларига бахт қуши қўнса, бир-бирларини унутмасликка аҳду паймон боғлашган экан**¹⁸.

Тазкира муқаддимасидаги ишорага қараганда, у мазкур маълумотларда кимгадир суянган. Балки Фахрий бизга етиб келмаган қандайдир манбага асослангандир. Бу бизга қоронғи. Шундай бўлса ҳам нега Навоийнинг она томонидан бобоси исмини кўрсатиб, ота томонига эътибор бермаганлиги таажжубланарли бўлиб қолмоқда. Бу эса Хондамир асарларидаги маълумотлар руҳиятига, шунингдек, Навоий ўзи айтган “ота-отадин” деган эътирофига мантқан боғланмайди. Абу Саъид Чангни она томонидан деб кўрсатилиши, эҳтимол, котиблар хатоси бўлиши мумкин. Шунингдек, Е.Э.Бертельс ёзади: “Алишернинг бобоси Абу Саъид Чанг Бойқаронинг Қандаҳордаги қисқа даврли ҳукумати пайтида унинг девонида амир эди¹⁹. Қандаҳорда амир бўлганини Е.Бертельс қаердан олганини аниқлаб бўлмади. Аммо Е.Бертельснинг Қандаҳор билан боғлиқ тахминидан жон бор. Агар биз Ҳусайннинг бобоси Бойқаро Муҳаммад тарихига назар ташласак, қизик маълумотларга дуч келамиз.

¹⁸ Латоифнома, 133.

¹⁹ Бертельс, 1965, 25.

Мирзо Бойқаро ҳақида

Мирзо Бойқаро Амир Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзо²⁰ ва андижонлик зодагон Хизр Ўғлоннинг қизи Мулкат Оқодан туғилган бўлиб, Амир Темур вафот этганда 12 ёшда, акаси Искандар 21 ёшда бўлган²¹. Шундай қилиб Бойқаронинг туғилган йилини тахминан 1392-1393 йиллар қилиб белгилаш мумкин. Бироқ унинг акаси Искандар Мирзонинг таваллуд санаси аниқ қилиб ҳижрий 786 (мил.1384) йил экани айтиб ўтилган. Умаршайх, асосан, Андижонда яшаб империянинг шимоли-шарқий ҳудудларини бошқарган. Чунки Амир Темур ҳижрий 773 (мил.1371–1372) йил Андижонни забт этганда уни 17 ёшли Умаршайхга топширган эди²². Самарқандда яшаган давридаёқ Умаршайх уйланган бўлиб, биринчи хотинидан Пир Муҳаммад ва Рустам исмли ўғиллари бўлгани тарихий манбаларда қайд этилган. Ҳижрий 794 (мил.1392) йилда Амир Темур Эронга юриш қилади. Умаршайх ҳам у билан бирга кетади. Темур х. 795 (мил.1392) йилда музаффарийларни мағлуб этиб, Форс (пойтахти Исфохон) мамлакатини эгаллайди. Форс мамлақати шахзода Умаршайх Мирзо бошқарувига топширилади²³. Шу пайтдан бошлаб темурийлар ҳозирги Афғонистон ва Эрон ҳудудларида мустақкам ўрнашадилар. Умаршайх Шерозни ўзининг пойтахтига айлантиради. Умаршайх шундан сўнг оиласи ва ёш болаларини олиб келиш учун ўз одамларини Андижонга юборади²⁴. Амир Темурнинг Яқин Шарқдаги навбатдаги 5 йиллик уруши ҳижрий 794 (мил.1392) йилда бошланганлиги²⁵ инобатга олинса, Умаршайхнинг оиласи ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан Эрон ерларига кўчганда Искандар Мирзо тахминан 9-10 ёшлигида, Бойқаро Мирзо эса эмизикли ёшда бўлган, дейиш мумкин.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, Умаршайх Шерозда бир йил турган ва кейин Амир Темур томонидан Сурия йўлидаги Диёрбакирга кўмак учун чақиртирилган²⁶. Умаршайх тўнғич ўғли Пирмуҳаммад билан отасининг ёнига жўнаб кетади, ҳокимиятни эса иккинчи хотини Мулкат Оқодан туғилган ўғли Искандар Мирзога топширади. Бу пайтга келиб, 40 ёшда бўлган Умаршайх ҳижрий 796 (мил.1394) йилнинг рабиъ ул-аввал ойида тўсатдан Курдистондаги Мухтасрий қалъаси деворлари ёнида минорадан отилган ўқдан ҳалок бўлади²⁷. Сохибқирон фармонига биноан у Шероздаги Аряти қабристонига дафн қилинади, кейинчалик эса жасади асл ватани Шаҳрисабзга кўчирилади. Яздийнинг ёзишича, унинг аёллари Севинч Қутлуғ, Мулкат Оқо ва Бека Мулк Оқо ҳамда унинг фарзандлари, жумладан, Искандар Шерозда қолдирилади²⁸.

Форс мамлакатини бошқариш Умаршайхнинг катта ўғли 24 яшар Пирмуҳаммадга топширилади²⁹. Унинг укаси Рустам Мирзога Ажам Ироқи (пойтахти Исфохон) топширилади. Мулкат Оқодан туғилган Искандар Ҳамадоннинг ҳукмдори этиб тайинланади. Табиийки, ўша йиллар қоидасига кўра, Мулкат Оқо кичик ўғли Бойқаро билан Искандар ҳомийлиги остида яшайди. Орадан кўп ўтмай, Амир Темур келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган сиёсий бўли-

²⁰ Амир Темурнинг 4 нафар ўғли бўлган: Муҳаммад Жаҳонгир (1377–1378 йилларда вафот этган), Умаршайх Мирзо (1354–1394), Мироншоҳ Мирзо (1366–1408) ва Шохрух Мирзо (1377–1447). Умаршайх Амир Темурнинг Тўлин Оқо исмли иккинчи хотинидан туғилган.

²¹ Зафарнома, 491^б

²² Натанзий, 114; 191-192.

²³ Зафарнома, 234^б; 239^б

²⁴ Натанзий, 199.

²⁵ Зафарнома, 224^б

²⁶ Зафарнома, 253^а

²⁷ Зафарнома, 253^б

²⁸ Зафарнома, 254^б

²⁹ Шу манба, 254^а

нишнинг олдини олиш мақсадида бева Мулкат Оқони кичик ўғли Шохрух Мирзога никохлашга қарор қилади³⁰. Бойқаро Искандарнинг ёнида қолади, онаси эса Ҳиротга кўчиб ўтади. Тез орада, яъни 1395 йилда Мулкат Оға ўғил туғади, унга Суюрғатмиш Мирзо деб ном қўйилади.

... Амир Темур вафотидан сўнг шахзодаларнинг тахт учун курашлари бошланиб кетади. Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ 1408 йилда Қора Кўюнлу туркманлар билан тўқнашувда ҳалок бўлади. Озарбайжон ва Ажам Ироқи ерлари туркманлар қўлига ўтади. 1410 йилда суиқасд натижасида Умаршайхнинг катта ўғли Пирмуҳаммад ҳам вафот этади. Шероз Искандар тасарруфига ўтади. У укаси Бойқаро билан бирга Ҳамадондан Шерозга кўчиб ўтади. Сал ўтмай, Искандар Озарбайжон ва Ироқни қайтариб олишга муваффақ бўлади. Искандар Мирзо Форс ва Ажам Ироқини мустақил бошқара бошлайди. Шохрух Мирзо фармони билан (эхтимол Мулкат Оқо ташаббуси биландир) 1412 йилда Бойқаро Ажам Ироқига ҳукмдор этиб тайинланади. Унга Ҳамадон, Вуружу, Нахованд ва Луристон ерлари топширилади. Навоийнинг бобоси Абу Саъид Бойқаро хонадонидан Амир ул-умаро лавозимида фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги Фахрий Ҳиротий маълумоти шу даврга тааллуқли бўлса керак³¹. Айни маълумотни қолдирган Сом Мирзо Навоийнинг бобоси исмини Абу Саъид Бек деб келтиради.³² Бундан шундай хулоса чиқадики, Абу Саъид Бек Мирзо Бойқарога жуда ҳам яқин инсон бўлган. Ҳатто тахминимизча, айни Абу Саъид Бойқаро Мирзога эмикдош-кўкалдош бўлган бўлиши мумкин ва шу жиҳатдан Бойқаро қаерда яшамасин, у билан бирга бўлган.

1413 йили Искандар Шероздан Исфаҳонга ўтади ва у ерни ўз пойтахтига айлантиради. Ҳижрий 817 (мил.1414) йили Искандар Мирзо Шохрухга бўйсунмай кўяди, жаҳли чиққан ҳукмдор лашкар жўнатиб Исфаҳонни қамал қилади. Искандар таслим бўлади. Шохрух Искандарни ҳибсга олиб, Исфаҳонни Рустам Мирзога, Шерозни эса невараси Иброҳим султонга топширади. Искандар укаси Бойқаро Мирзони Шохрух қарорига қарши чиқишга ундайди. 1415 йили Бойқаро Иброҳим Султонни Шероздан қувиб чиқаради. Шохрух ғазаб билан Шерозга бостириб боради ва Бойқаро Мирзони шахзода Қайду Мирзо бошқараётган Қандаҳорга сургун қилади³³. Айтиш керакки, бу ерда сургун маъносини қамаб қўйиш, зиндонга ташлаш эмас, балки темурий шахзодани чекка ўлкаларда яшашга мажбур қилиш билан жазолаш деб тушуниш керак. Бойқаро Қайду Мирзо билан Қандаҳорни бирга бошқарган. Бойқаро Қандаҳорда икки йил, 1415 йилдан 1417 йилгача яшайди. У ерда икки темурийзода: Қайду Мирзо ва Бойқаро Мирзо ўртасида юзага келган келишмовчилик аста-секин катта можарога айлангани туфайли Шохрух Мирзо ҳижрий 820 (мил.1417) йил Бойқаро Мирзони Қандаҳордан Самарқандга сургун қилади³⁴. Бойқаро Мирзонинг кейинги тақдири номаълум ва ҳеч бир тарихий манбада қайд этилмаган. Шу ерда Е.Бертельснинг Қандаҳорда Навоийнинг бобоси Бойқаро амири бўлган деган тахминини тасдиқлашимиз мумкин. У ҳам Бойқаронинг энг яқин кишиси ва садоқатли мулозимини сифатида Қандаҳорга келган бўлиши мумкин.

Мир Алишер наздида Шохрух ҳукмдорлиги даврида исёнкорлиги учун қаттиқ жазоланган ва нонқўрликда айбланган Бойқарони тарихий асарларда оқлаш ва айни чоғда унинг яқин сафдоши бўлган ўз бобоси билан фахрланишнинг иложи йўқ эди. Темурийлар тарихига соя туширмаслик тарафдори бўлган Мир Алишернинг Бойқаро хонадони ва ўз ота-боболари исмларини тилга олмай ўтишининг сабаби шу билан изоҳланиши мумкин.

³⁰ Матлаи саъдайн (2), 2-қисм, 104.

³¹ Латоифнома, 133.

³² Тухфаи Сомӣ, 167^а.

³³ Матлаи саъдайн, 298.

³⁴ Матлаи саъдайн, 327.

Хусайн ва Алишернинг оталари ҳақида

Мирзо Бойқаронинг икки ўғли бўлган: Ғиёсиддин Мансур ва Муҳаммад. Бойқаро Мирзо хонадонининг Қандаҳордан кейинги ҳаёти манбаларда қайд этилмаган. Шу боис Бойқаро Қандаҳордан чиқарилган 1417 йилдан Хусайн туғилган 1438 йилгача бўлган ораликда уларнинг қаерда яшагани ва Алишерларнинг оиласи билан бирга кечирган ҳаётлари тафсилоти бизга маълум эмас. Бизнингча, унинг оиласи Самарқандга кетмаган бўлса керак. Акс ҳолда, Искандар Мирзо тарихини ёзган Натанзий бу ҳақда тўхталган бўларди. Бироқ айрим маълумотларни назарда тутиш ҳам хато бўлмайди. Худди шу йил Суюрғатмиш Мирзо Шохрух Мирзо томонидан Кобул ва Ғазни ерларига ҳоким қилиб тайинланади. Бойқаро Мирзонинг онаси Мулкат Оқо ўғли Суюрғатмиш Мирзо билан Кобулга кўчиб келади³⁵. Суюрғатмиш Мирзо ҳижрий 830 йил муҳаррам ойининг 16-кунида (мил.1426 йил 17 ноябрь) вафот этади³⁶. Мулкат Оқонинг ҳижрий 844 (мил.1440) йилгача ҳаёт бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак³⁷, Бойқаро Мирзо Самарқандга жўнатилгандан сўнг Мулкат Оқо ўз набираларининг бирдан-бир таянчига айлангани аниқ. Бойқаро хонадони аъзолари Кобулга келтирилган бўлиши эҳтимолга яқин. Буви тириклигида Ғиёсиддин Мансур Амир Темурнинг қизидан туғилган Султон Хусайн ибн Амир Муҳаммад ибн Амир Мусонинг қизи Феруза Бегимни ўз никоҳига олади. Феруза Бегимдан Бойқаро (1430–1487), Хусайн (1438–1506) ва бир қиз дунёга келади.

Мулкат Оқо Кобулда вафот этган. Унинг жасади Балхга келтирилиб, ўзи қурдирган мадраса ҳовлисида дафн этилган³⁸. Малика умрининг охириги йиллари Ҳиротда яшаганми, йўқми, номаълум, аммо Хусайн 842 йилнинг муҳаррам ойида (мил. 1438 йил июль) Ҳиротнинг шимоли-шарқий томонидаги Мулкат Оқога тегишли Давлатхона номли қўрғонда туғилгани³⁹ ҳақидаги маълумот бу сулоланинг Ҳирот билан борди-келдиси узилмаганини билдиради.

Алишер ва Хусайн болалиқдан бирга тарбияланганлар. Буни замондошлари ҳам, уларнинг ўзлари ҳам тасдиқлайдилар. Ушбу факт уларнинг ота-боболаридан давом этиб келаётган сулолавий яқинлик ҳеч қачон узилмаганини билдиради. Ғиёсиддин Мансур ҳижрий 849 (1445–1446) йил вафот этади⁴⁰. Шундан тасаввур қилиш мумкинки, Шохрух вафот этган 1447 йилдан кейинги даврда сулола бошида Феруза Бегим ёлғиз қолган. Унинг яқин суянчиғи Алишерлар оиласи бўлган. Ферузабегим узоқ умр кўрди ва ўз жигарбанди Хусайн тахтга чиққанидан сўнг бир неча ой ўтиб, ҳижрий 874 муҳаррам ойининг 14-кунида (мил.1469 йил 25 июль) вафот этди⁴¹.

Манбаларда Хусайннинг отаси Ғиёсиддин Мансур, Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина тарзида қайд этилган. Айрим замонавий тадқиқотларда унинг бўйи паст бўлган деган нотўғри фикрга ҳам борилган.

Фахрийнинг Ғиёсиддин Кичкина ҳақидаги маълумотларидан икки муҳим хулоса чиқариш мумкин. Биринчиси, Фахрий бизга маълум манбаларнинг ичида биринчи бўлиб Амир Кичкина Султон Абу Саъид Мирзо саройида хизмат қилганини ёзиб қолдирган. Бу гапларда жон бор. Абулқосим Бобур вафот этиб, Хуросонда тўс-тўполон бошланганда шаҳзодалар бирин-кетин тахтга ўтиришар ва сал ўтмай бири иккинчисининг сиқувига бардош бера олмасдан Ҳиротни ташлаб қочар эди. Шундай шароитда тахтни Мирзо Иброҳим эгаллайди. У

³⁵ Матлаи саъдайн, 343. Шу ерда Суюрғатмиш ўзи билан барча оила аъзоларини ва яқинларини олиб кетганлиги айтилади.

³⁶ Матлаи саъдайн, 480.

³⁷ Матлаи саъдайн, 104.

³⁸ Файзиев, 301.

³⁹ Ҳабиб ус-сияр, 670; Лубб ат-таворих, 145^а.

⁴⁰ Матлаи саъдайн, 372; Лубб ат-таворих, 145^а.

⁴¹ Матлаи саъдайн, 644; Лубб ат-таворих, 145^а.

Ҳирот тахтини ушлаб қолиш мақсадида ўз атрофига салтанат улуғларини йиғади ва Абу Саъид билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилади Буни Ҳирот салтанатининг обрўли кишиларидан бир нечасини султон Абу Саъид қошига юборишида кўрамиз Элчилар Шайх Нуриддин ибн Баҳоуддин Умар, Шайх Шамсиддин Жомий ва Амир Бурҳониддин бўлиб, уларни кузатиб борувчи йўлдош сифатида Алишернинг отаси Ғиёсиддин Кичкина тайинланади. Абу Саъид уларни иззат-икром билан қабул қилади ва кузатиб қўяди⁴². Демак, Абу Саъид Мирзо Ғиёсиддин Кичкина билан мулоқотда бўлган.

Тарихий йилномалардан маълумки, ўша йилиёқ Абу Саъид Ҳиротни эгаллайди. Султон Абу Саъид Абулқосим Бобур амалдорларидан бир қанчасини ўз саройида қолдирганида Ғиёсиддин Кичкинани ҳам ҳамсухбат сифатида қолдирган бўлиши эҳтимолга яқин. Зотан Шохрухнинг невараси Мирзо Иброҳим ўзи учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифани Ғиёсиддин Кичкинага топширибдими, демак, у шу пайтда салтанатнинг обрўли кишиларидан бўлган. Ғиёсиддин Кичкинанинг Абу Саъид даврида тирик эканлиги замонавий навоийшуносликдаги “Навоийнинг отаси шоир ёшлигида (11-12 ёшларда) вафот этган” деган ақиданинг нотўғри эканлигини кўрсатади⁴³. Иккинчиси, “Ҳабиб ус-сияр”да Ғиёсиддиннинг амирлик даври ҳақида гапирила туриб, расмий оҳангда Ғиёсиддин Кичкина деб кўрсатилиши Фахрий маълумотлари билан бирлаштирилганда бу лақабнинг улуғловчи сифатга эга бўлганлигини кўрсатади. Шу ўринда Кичкина лақабининг келиб чиқиши ҳақида мантиқий фараз қилиб кўриш мумкин. Бу лақаб Бойқаронинг ўғли Ғиёсиддин Мансур билан Абу Саъиднинг ўғли Ғиёсиддиннинг бирга ўсиб-улғайганини аниқлаштиради. Сарой аҳли эса уларнинг исмлари бир хил бўлганлигидан, амирнинг ўғлини фарқлаш учун Ғиёсиддин Кичкина деб атаган бўлишлари эҳтимолга яқин. Мазкур лақаб кўчалдошлик белгиси каби темурийларга яқинлигини изохлаб тургани учун бир умр унинг номига қўшиб айтилган бўлиши мумкин⁴⁴.

Сом Мирзо Сафавийнинг “Тухфаи Сомий” тазкирасида Фахрий маълумотлари деярли такрорланган⁴⁵. Бироқ ундан фарқли равишда Навоийнинг отаси Кичкина Баҳодир тарзида таништирилган. Тазкира ёзилган давр Навоий даврига нисбатан яқин бўлгани учун бу ўзгартиришда бирор маълумотга таянилган деб ўйлашга асос бор. “Темур тузуклари”да айтилишича, қайси амир мамлакат ё бир қўшинни енгса, унга биринчи навбатда туғ бериб, **баҳодирлик лақаби** расмий равишда унинг номига қўшиб ёзилган. Сўнг чегара вилоятларидан бирига ҳоким этиб тайинланган⁴⁶. Ғиёсиддин Кичкинанинг бизга маълум фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, Сом Мирзонинг маълумоти асослидек кўринади.

⁴² Ҳабиб ус-сияр, 570^a.

⁴³ Айний Алишер 12 ёшдалигида отаси вафот этган деб ҳисоблайди. Қаранг: Айний, 119.

⁴⁴ Е.Бертельс Навоийнинг отаси Ғиёсиддин Кичкина Мансурнинг кўчалдоши эди деб тахмин қилади (Қаранг: Бертельс 1965, 25). Ушбу хулоса бирор-бир манба билан тасдиқланмаган. М.Сабтенли Ханс Роберт Рёмер қўлга киритган бир ҳужжатда Султон Ҳусайннинг Алишер ҳақида “У ҳаёти ибтидосидан, балки, бешикдан кўчалдошлик орқали бизнинг хонадонимизга тааллуқли” бўлгани ҳақида ёзган қайдига суяниб Алишер Ҳусайн Бойқаронинг кўчалдоши деган фикрга келади (Қаранг: Subtenly (2) 801. Таъкидлаш лозимки, Ҳусайн Алишердан уч ёш катта бўлган.

⁴⁵ Тухфайи Сомий, 167^a.

⁴⁶ Темур тузуклари, 78.

Алишернинг болалиги ҳақида

Шохрух Мирзо ҳижрий 850 йил зулҳижжа ойининг йигирма бешинчи куни (мил.1447 йил 3 март) вафот этади. У пайтда Алишер 6 ёшда бўлган. Мир Алишернинг ўзи сўзлаган бир хотирада айтилишича, Шохрух вафотидан кейин пойтахтда содир бўлиши мумкин бўлган тартибсизлик ва ғалвалардан узоқроқ бўлиш мақсадида унинг оиласи Хуросондан Ажам Ироқида йўл олган⁴⁷. Йўлда улар Шарафиддин Али Яздий яшаган Тафт шаҳрида тўхтаб ўтадилар⁴⁸. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да Шохрух Султон вафотидан кейин Амир Алишернинг отаси бола-чақаларини олиб Шероз томонга жўнаб кетди. У мамлакатда бир неча йил турди”, дейди⁴⁹. Шерозда Бойсунғур Мирзонинг иккинчи ўғли Мирзо Султон Муҳаммад ҳукмронлик қилар эди. У Шохрух Мирзонинг қаҳрига учраб ҳижрий 846 (мил.1442-1443) йил ўзига берилган Форс ва Ажам Ироқидан маҳрум бўлган ва султоннинг вафотидан кейин эса қайта забт этиб олган эди. Шероз пойтахт бўлиб, хануз фан ва маданият маркази сифатида ўз мавқеини йўқотмаган эди. Алишернинг отаси ҳукмдорнинг алоҳида эътиборига сазовор бўлади ва унинг амалдорларидан бирига айланади. Хусусан, Навоийнинг ёзишича, Астрободда вафот этган Мир Шохнинг хоки Сабзаворга олиб келинганда отаси вақтинча шаҳарни бошқарган⁵⁰.

Ҳижрий 855 (мил.1451) йилда Абулқосим Бобур Хуросон тахтини эгаллайди ва сал ўтмай Ироқда тинчлик ўрнатиш учун Шерозга келади. Абдуразоқ Самарқандийнинг ёзишича, у кўп вақтини маҳаллий фозил инсонлар, уламолар ва шоирлар билан суҳбатда ўтказган⁵¹. Бобур кетиш олдидан Шероз бошқарувини шахзода Султон Санжарга топширади. Айни замонда ва шу ерда Абулқосим Бобурнинг оқ фотиҳаси билан Ҳусайн ва Султон Санжар қизи Бека Султонбегим унаштирилади⁵². Демак, бу даврда Ҳусайн Бойқаролар хонадони Шерозда истиқомат қилиб турган ва табиийки, кўкалдошлик томирлари билан боғланган Гиёсиддин Кичкина оиласи ҳам улар билан бирга эканлигига шубҳа йўқ. Бу пайтда Ҳусайн 13 ёшда, Алишер 10 ёшда эди. Манбаларнинг далолат беришича, Алишер 10 ёшида Абулқосим Бобур назарига тушган бўлиб, султон иқтидорли ёш Алишерга алоҳида меҳр билан қараган⁵³. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, Алишернинг Абулқосим Бобур билан танишуви айнан Шерозда юз берган.

Абулқосим Шерозда 4 ой бўлгач, Ҳиротда ўз акаси Ало уд-Давланинг кўзғолон кўтариш режасидан хабар топиб, пойтахтга қайтади. Абулқосим Бобур билан бирга Ҳусайн Мирзо ва Алишер оилалари ҳам Шероздан Ҳиротга қайтади. Бундай нотинч вазиятда Ҳусайн ва Алишерлар оиласи учун Шерозда қолиш жуда хавфли эди, зеро, тарихчиларнинг маълумотларига қараганда, ўша пайтларда Қорақўювли туркманларнинг Форс, Ажам Ироқи, Озарбайжон ва Каспийбўйи ерларига уюштирган ҳужумлари ҳижрий 858 (мил.1454) йилда туркманларнинг тўлиқ ғалабаси билан тугайди. Табиийки, Абулқосим Бобур тахтга чиқиб, тинч ҳаётдан дарак берган Ҳирот Алишернинг оиласи учун ягона бошпана эди. Шу даврдан эътиборан, айнан 1452 йилдан Ҳирот Алишернинг ўзи ва ота-онаси учун доимий яшаш жойига айланди.

⁴⁷ Мажолис, 31. Буни Хондамир ҳам тасдиқлайди. Қаранг: Макорим ул-ахлоқ, 117.

⁴⁸ Ўша даврларда империянинг узоқ ғарбий худудлари Форс ва Ажам Ироқи (ҳозирги Ғарбий Эрон) деб аталган. Унга элтувчи йўл Тафт (Язд), Абаркух, Шероз, Кўшки Зард, Исфаҳон, Рай, Қум шаҳарлари орқали ўтган. Шунингдек, Луристон, Шулистон, Язд, Кирмон, Кошон, Ова, Симнон и Дамғон ҳам Форс ва Ажам Ироқининг машҳур жойлари сирасига киради.

⁴⁹ Макорим, 117.

⁵⁰ Мажолис, 29.

⁵¹ Маглаъ, 2-жилд, 334.

⁵² Ўша ерда.

⁵³ Латоифнома, 133; Давлатшоҳ, 368.

Йигитлик даври ҳақида

Султон Абулқосим Бобур ҳижрий 861 (мил. 1456) йили қишлаш учун Машҳадга кўчади. Ҳукмдор ўзи билан бирга Алишер ва Ҳусайнни ҳам олиб кетади. Ўша қиш, раби ус-соний ойининг йигирма бешинчи куни (мил. 1457 йил 21 март) Абулқосим Бобур вафот этади⁵⁴. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр”да аниқ кўрсатишича, Алишер Абулқосим Бобур вафотидан кейин Машҳадда қолиб, илм такомили билан шуғулланди⁵⁵. Шоирнинг ўзи ҳам “Мажолис ун-нафоис” асарида Хожа Ҳасан Хизршоҳ Астрободийнинг Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда оғир касал бўлиб қолгани ва унинг кўмаги билан сихат топганини қайд этган⁵⁶. Бу ҳам Алишер Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Машҳадда қолганлигини тасдиқлайди.

Алишер Абу Саъид Мирзо даврида Хуросонда нисбатан осойишталик ўрнатилгач, Ҳиротга қайтади. Буни “Ҳабиб ус-сияр” асари муаллифи “Султон Абу Саъид замонида Ҳирот дор ус-салтанатига қайтиб, бир муддат ул иқболошиёнлик остона хизматида бўлди”, деб тасдиқлайди.

Навоий Машҳадда юрганда шоир сифатида анча танилган бўлиб, овозаси тўрт томонга тарқалган эди. Ҳирот адабий муҳити уни илиқ қаршилайди. Ёш бўлишига қарамай, даврнинг улуғ туркигўй, (турки тилли) шоирлари назарига тушади. Хондамир ёзади:

“Ҳазрат (Навоий) ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда бир куни Лутфийнинг ёнига борди. Мавлоно Лутфий:

– Бирор ғазал ўқиб бериш орқали ўз тафаккурингиз маҳсулларининг янги намуналаридан мени баҳраманд этинг, – деб илтимос қилди.

Ул Ҳазрат матласи қуйидагича бўлган бир ғазални ўқиб берди.

Шеър:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Жаноб Мавлавий бу ғазални эшитиб, ҳайрат денгизига чўмди ва шундай деди:

– Воллоҳ, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг байтдан иборат бўлган туркий ва форсий байтимни биргина ушбу ғазалга алмаштирган ва буни катта муваффақият деб ҳисоблаган бўлардим⁵⁷.

Саййид Ҳасан Ардашер Алишернинг илк устозларидан бири эди. Навоийнинг ёзишича, у билан ҳижрий 860 (мил. 1456) йил танишган. Бу пайтда Алишер 15-16 ёшда бўлиб шеърлари Хуросонда анча машҳур бўлган эди⁵⁸. Алишер Саййид Ҳасан Ардашерга ўз шеърларини ўқиб берар ва фақр тариқи, (йўқсиллик йўли) ҳақидаги илк сабоқларини ундан олган эди.

Алишер Ҳиротга қайтгач, кўпинча, устози Саййид Ҳасан Ардашер хузурида бўларди. Навоий “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида шундай хотирлайди: “Доимо замонанинг машҳур улуғлари ва олимлар билан суҳбат қуради. Чиғатой улусининг юқори мартабали беклари, ёшлари ва мартабалари улуғ ёки тенг бўлишига қарамай, уни ўзларидан юқори тутиб, таъзим қилар эдилар. Султон Ҳусайн тахтни олганда унинг ҳамсуҳбатига айланди”.⁵⁹

⁵⁴ Ҳабиб ус-сияр, 564.

⁵⁵ Ҳабиб ус-сияр, 217; Сом Мирзо ҳам шу маълумотни тасдиқлайди. Қаранг: Тухфайи Сомий, 167^а.

⁵⁶ Мажолис, 320.

⁵⁷ Макорим, 45.

⁵⁸ Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер, 8.

⁵⁹ Ўша асар, 11.

Алишер тенгқур шоирлар билан, хусусан, султон хизматида бўлган Шайхимбек Сухайлий билан дўстлашади⁶⁰. Абу Саъид Мирзо тарихини ёзаётган Мавлоно Абусамад Бадахший билан яқин муносабатлар ўрнатади. Ёш курашчи пахлавон Муҳаммад унинг яқин сирдошига айланади. Алишер ижод билан муттасил шуғулланиш асносида даврнинг етук олимларидан дарс олишга ҳам иштиёқи баланд эди. Замонанинг улуғи, “Ваҳдат ул-вужуд” таълимотининг зукко билимдони бўлган Шайх Садриддин Ривосий қўлида Ибн ал-Арабийнинг “Фусус ал-хикам” асарини ўрганади⁶¹. Унинг яна бир орзуси Абдурахмон Жомийга яқинлашиш эди. Жомий Султон Абу Саъид замонида Хуросон нақшбандия тариқатининг азим пири комили бўлиб, халқ орасида катта эътиборга эга эди. Шу билан бирга, у етук шоир ва адабиёт назарияси билимдони эди. Навоий “Хамсат ул-мутахаййирин” асарида унинг ўша даврдаги мақомини ва илк танишувини шундай тасвирлайди: “...Шохрух султон замони авоситидин (ўрталаридан) султон Абу Саид замонининг (бошланиши) авойилигача шаҳрда сокин эрдилар. Андин сўнгра Хиёбон бошида ҳазрати пир махдум Мавлоно саъд ул-миллат вад-дин Саъиддин Кошғарий мазори бошида иқомат (доимий яшаш) расмин зоҳир этдилар. Шаҳрнинг жамеи уламо ва ақобиру ашрофи аларга мулозамат ва тараддуд бунёд этдилар... Сойир ниёзмандлар ва оммаи бехеш ва пайвандлар ҳам кўзларин ул эшик туфроғидин ёрутурлар эрди. Бу фақири ҳақир бу сўнги жамоат зумрасида Хиёбон бошида кўрган замонида мухтасар битилган рисола сабақига мумтоз бўлдум...”⁶² Алишер Навоий тилга олган бу рисола “Қофия” рисоласи эди.

Алишер Навоий Абу Саъид даврида Ҳиротда бир неча йил яшайди. “Мажолис” да келтирилган бир хотира бунга далил бўла олади. Навоий Мавлоно Аёзий ҳақида гапира туриб ёзади: “...Фақир Пули Молонда бўлган бир мажлисда ани кўрдум, қасида ўқур эрди. Ҳар байт бунёд қилса, сўз услубидин, қофиясин айта берур эрдим. Бағоят ҳайрат қилди. Уч йилдан сўнгра Боғи Сафедда яна бир мажлисда биайниҳ ушмундоқ воқеа бўлди. Ул зот яна ҳайрат бунёд қилди. Бурунги мажлис аҳлидан бу мажлисда ҳам неча киши бор эди. Андин сўрдиларким, ҳаргез бу навъ киши кўрубмусен, чун кўзида заъф (сусллик) бор эрди, дедики, кўрмабмен, магар уч йил мундин бурунроқ Пули Молонда бир йигит кўрдум, ул навъ ҳам бу навъ шуъбадабозлик (найранг) қилди. Мажлис аҳли кулуштиллар”.⁶³

Алишер ўз шоирлик иқтидори даражасини яхши билар ва султон саройи адабий муҳитида ўзига муносиб эътибор қаратилишини истарди. Темурий султонларга улкан эҳтиром руҳида тарбияланган ва бу улуғ хонадонга яқинлик ҳиссидан кўкси баланд ва энг асосийси, ижодий ғайрати мавж урган ёш шоирнинг султон ҳимоясидан умидвор бўлиши мантиқ нуқтаи назаридан табиий. Темурийлар сулоласига кўкалдошлик ришталари билан боғланган ёш шоир Ҳиротга катта орзулар билан қайтганди. Бироқ ҳаёт уни кўп синовларга юзма-юз қилди. У Ҳиротдан кетишга қарор қилади. Хондамир “Ҳабиб ус-сияр” асарида “(Амир Алишер) Султон Абу Саъид замонида (Машҳаддан) Ҳирот дор ус-салтанатига қайтиб, бир муддат ул иқболшиёнлик остона хизматида бўлди Аммо ўз ҳолига яраша даража ва риоят топмагач, Хуросондан Самарқандга кетди”⁶⁴ деб келтиради. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам кейинчалик “Бобурнома”да унинг Самарқандга кетганини қайд этган.

Ёш шоир, ҳақиқатан ҳам, тўғри Самарқандга йўл олганми?

Навоий “Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад” асарида шундай хотирлайди: “Султон Абу Саъид Мирзо замонидаким, Хуросон аҳли Самарқанд аҳлига асир эрдилар... Бу фақирни айни ифлосу фалокат ва сарнавишу ранжуриш Машҳад сори тортиб эрди ва анда етгандан сўнгра мафосил марази йўлиқиб, бир гўшада ётиб қолдим. Иттифоқан, Пахлавон ҳам Машҳадда хиз-

⁶⁰ Мажолис, 318, 339.

⁶¹ Мажолис, 311.

⁶² Хамсат ул-мутахаййирин, 740.

⁶³ Мажолис, 325.

⁶⁴ Ҳабиб ус-сияр, 217.

мат қиларди. Тузалгунимча ҳар кун келиб дўстлик, шафқат ва муҳаббат юзасидан ғамхўрлик қиларди”⁶⁵.

Эътибор берган бўлсангиз, у ўзининг Машҳадга келиш сабабини аниқ изоҳлаб ўтган ва “айни ифлос ва фалокат ва сарнавишт ва ранжуриш” етаклаб келгани (!) ва бу замонда Хуросон Абу Саъид Мирзо кўлида бўлиб, Ҳирот аҳли Самарқанд аҳлига асир ва муте эди”, деб кўрсатади⁶⁶. Навоий айтмоқчи, уни Машҳадга тортган сабаблар, бу ифлослик, яъни ўрта асрларда бу калима чорасизлик маъносида ишлатилган; иккинчиси – фалокат, учинчиси эса сарнавишт, яъни тақдир, пешона ҳамда тўртинчиси – ранжуриш. Мазкур охириги калима ҳам форсий бўлиб, хафачилик маъносини билдиради.

Навоийнинг ҳаётини алғов-далғов қилган ва шу даражада азобланишига нима сабаб бўлган бўлиши мумкин? Юқоридаги парчадан икки фактни англашимиз мумкин. Биринчиси, Алишер Ҳиротдан хафачилик ва чорасизлик туфайли Машҳадга кетган.

Иккинчиси, шоирнинг чуқур надомат билан Ҳиротнинг “Самарқанд аҳлига асир ва муте” эканлигини таъкидлашидан унинг айнан Абу Саъид ва унинг мулозимларидан қаттиқ хафалигини сезиш мумкин. Буни Алишер пойтахтни тарк этиш олдидан устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзиб юборган шеърий мактуби мазмунидан ҳам билса бўлади⁶⁷. Унда шундай дейилади:

*Ғаме етти чархи жафопешадин,
Ҳамул анжуми хориж андишадин.
Ки, бўлмоқ ватан ичра душвор ⁶⁸ эди,
Кўнгилга жало ⁶⁹ дафъи озор ⁷⁰ эди.
Сафар тушти олимга беихтиёр,
Қазо амрида элга не ихтиёр?!*

Шоир ўз қарорига тўрт сабабни асос қилиб келтиради:
Биринчи сабаб:

Агар хосса маъно гар ийҳом эрур,
Анинг кунда юз байти халвом эрур.
Вале айт деб, ким манга тутти юз
Ки мен юз учун демадим икки юз...
Бирав бўлса бир ишда бу навъ фард,
Вале кўрмаса баҳра жуз ранжу дард...
Нечук майли оворалиғ этмагай,
Бошин олибон бир тараф кетмагай?!

Иккинчи сабаб:

Яна бир буким, зоҳир ўлмиш манго
Ки, чиқмиш Хуросон элидин вафо.
Вафо азм айларда бўлмиш магар,
Сахову мурувват анга ҳамсафар.

⁶⁵ Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад, 25.

⁶⁶ Ҳолоти Пахлавон Муҳаммад, 77.

⁶⁷ Ушбу мактуб-маснавий шоирнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонига киритилган. Қаранг: Ғаройиб ус-сиғар, Маснавий, 694–704.

⁶⁸ Душвор – оғир.

⁶⁹ Жало – тарк этмоқ, чиқиб кетиш.

⁷⁰ Дафъи озор – берилган озорни унутиш ёки хафачилигини тарқатиш маъносида.

Бу уч феъл чикқач ародин тамом,
Яна бўлмиш уч феъл қойиммақом.
Вафо ерида зоҳир ўлмиш нифок,
Сахо ўрнида бухл тутмиш висок.
Мурувватқа бўлмиш ҳасад жойгир,
Зихе хуш элу мулкати дилпазир.

Учинчи сабаб:

Учинч улки, чун Холиқи Зулжалол
Ки, ҳам ламязал келди, ҳам лоязол...
Хаёлимда андоғ мусаввар бўлур,
Ки ул ики ишдин муяссар бўлур.
Бири буки, бир жазба Ҳақдин етиб,
Кўнгулни яқийн жомидин маст этиб,
Ҳақиқат сари турктоз айлағай,
Жаҳон шуғлидин бениёз айлағай...

Тўртинчи сабаб:

Яна бир будурким, гадо гар мулук
Талаб йўлида қилғай онча сулук.
Бурун муршиди комил истай юруб,
Ани топқоч ўзин анга топшуруб.
Сулук амрида урмайин бешу кам,
Анинг амридин айру дам ё қадам.
Чу аввални иш бўлмади дастгир,
Икинчисидин хўб эмастур гузир.

Демак, у шу даврда жиддий рухий изтиробларни бошдан кечирган. Балки бу унинг севги можаролари билан боғлиқдир. Бу хусусда ўз ўрни билан сўз юритамиз. Хондамирнинг ёзишича, Алишер йигитлик даврининг гуллаб-яшнаган чоғларида (шу давр назарда тутилмоқда – Ш.С.) бир неча вақт таркидунё қилиб, дарвишлар макони бўлган Работи Сухайлда риёзат ва ибодат билан шуғулланди⁷¹. Бу маълумот шоирнинг Ҳиротдан чиқиб кетиш арафасидаги кайфият ва руҳиятини янада аниқлаштиради.

Навоийшунослар Хондамир ҳамда Бобурнинг сўзларидан келиб чиқиб, шоир Самарқандга Ҳиротдан жўнаган деб хулоса қилдилар. Бироқ ҳеч ким биз юқорида тилга олган тафсилотни ҳисобга олмади. Тўғри, Е.Э. Бертельс ўзининг “Навоий” монографиясида мазкур масалада аниқ фикр билдирмаган: бир жойда “Алишер 1464 йили Машҳаддан Ҳиротга қайтди. 1466–1467 йили Бадахшонда Навоийнинг дўстлари томонидан кўтарилган кўзғолон Абу Саъид томонидан бостирилгач, у қочиб, Самарқандга кетди”⁷² деса бошқа бир жойда эса Навоийнинг ўз хотирасида эътироф этган Машҳад сафари сабабига диққатини қаратган шекилли, “у 1467 йили Абу Саъид томонидан Машҳадга сургун қилинди”, деб кўрсатади⁷³. Олим негадир бу икки хил қарашни мантиқан далилламаган.

⁷¹ Макорим, 63.

⁷² Бертельс, 1965, 77.

⁷³ Ўша асар, 99.

Тушкун ва хафа ҳолатда Машҳадга кетган шоир Самарқандга кетишдан олдин яна Ҳиротга қайтдимикан? Шундай бўлганда Навойнинг ва унинг замондошлари асарларида бу ҳақда бир сатр бўлса ҳам маълумот берилган бўларди. Агар Хондамир маълумотига эътибор берилса, у шоирнинг Самарқандга кетишини Ҳиротдан деб эмас, балки Хуросондан деб таъкидлайди. Машҳад Хуросон таркибида бўлганини ҳисобга оладиган бўлсак, Алишер Самарқандга Ҳиротдан эмас, балки Машҳаддан борган дейишга асос бор.

Навоий ва Абу Саъид Мирзо муносабатлари ҳақида

Шу ўринда бу икки шахс орасидаги муносабатларга навоийшунос олимларнинг нотўғри ёндашув, қарашлари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ.

Навоий ҳақидаги замонавий адабиётларда Алишер Самарқандга Султон Абу Саъид томонидан сургун қилинган дейилади. Дастлаб шундай фикр В.Бартольд томонидан илгари сурилган ва кейинги навоийшунослар томонидан ривожлантирилган⁷⁴. В.Бартольд ёзади: “Бобур сўзларига қараганда, Мир Алишер Самарқандга Абу Саъид томонидан қандайдир хато учун сургун этилган. Мир Алишернинг ўзи таҳсил учун борганлигини айтади. У пайтларда таҳсил учун Ҳиротдан Самарқандга бормас эдилар. Демак, унинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сургун сифатида қаралиши лозим”⁷⁵.

В.Бартольд ўзининг фарази, тахмини ишонарли чиқиши учун баъзи маълумотларни қасддан нотўғри шархлаганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Жумладан, у шундай ёзади: “Навоий ҳаётининг бу даврини ёритишда балки унинг гўзал ва фасих тилли, “қалбини асир этган” (кўн-глумни баса сайд қилди) шайх Садриддин Ривосий ҳақидаги ҳикояси баъзи аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Унга ҳатто олий даражадаги шахслар ҳам, жумладан, унинг муридига айланиб, дарс олган Бадахшон шоҳи ва ҳатто замон подшоҳи, яъни султон Абу Саъид жазман эдилар... Мир Алишернинг бадахшонликлар билан яқин алоқаси х. 871 (мил. 1466-1467) йил воқеасидан сўнг унинг ҳаётига таъсир қилган бўлиши мумкин. Бунга султоннинг гўзал шайхни унинг дўстларидан рашк қилгани ҳам қўшилган бўлиши мумкин”⁷⁶. Кейинги сатрда ўз мулоҳазасини янада бўрттиради: “Умрининг охиригача на оиласи ва на авлоди бўлган Мир Алишер, кўринишидан, чиройли ёш йигитларни севган”. Шу тариқа В.Бартольд Навоийнинг Самарқандга кетишини бадахшонликларнинг кўзголонига алоқадорлик билан боғлайди ва Султон Абу Саъид ҳамда Навоий ихтилофини, келишмоқчилигини марказий ўринга олиб чиқади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, 1464 йили Султон Абу Саъид Бадахшонни қўлга киритиб, Бадахшон шоҳи ва унинг яқинларини Ҳиротга кўчириб олиб келади ва унинг қизига уйланади. Бадахшон шоҳининг Ибн Лаъл исмли ўғли Султон Абу Саъид Бадахшонни олганда Кошғар вилоятига қочиб кетади. Шаҳзода 1467 йил қўшин тўплаб Бадахшонга бостириб қиради ва уни эгаллайди. Абу Саъид Мирзо Бадахшонга қўшин тортади ва мамлакатни вайрон қилади. Ибн Лаъл асир олинади ва отаси билан бирга қатл қилинади. Бартольд шунга ишора қилади.

Садриддин Айний Бартольд фикрларидан фойдаланиб, Алишер Навоий ва Абу Саъид ўртасидаги ихтилоф Ҳусайн Бойқаро, Мир Саид Кобулий ва Муҳаммад Али Ғарибийнинг ҳамда Бадахшон шоҳларининг шоирга яқин одамлар эканлиги важдан пайдо бўлган деб кўрсатади⁷⁷. Ойбек ҳам шундай ҳисоблайди⁷⁸.

Захириддин Муҳаммад Бобур аслида “Абу Саъид Навоийни Самарқандга нега сургун қилди?” деб эмас, балки “Билмайман, қайси гуноҳи учун Ҳиротдан чиқариб юборди?” деган

⁷⁴ Қаранг: Бартольд, 223; Бертельс 1965, 77. С.Айний, 284-285. Ойбек, 15-16; Шарафиддинов, 51-52; И.Султон, 157. Ўз пайтида бундай қарашга айрим шарқшунослар қарши чиқишган. Қаранг: Семенов, 241-243. Бироқ В.Бартольд томонидан тарихий-сиёсий фактларнинг Навоий шахсияти агрофида боғланиши шу қадар табиий чиққанки, олимнинг фикрлаш тарзи кейинги навоийшунослик тадқиқотлари ривожига таъсир қилмай қолмади. Шу тариқа навоийшуносликда Алишер Самарқандга сургун қилинган деган асоссиз хулоса маҳкам ўрнашиб қолди.

⁷⁵ Бартольд, 223-224.

⁷⁶ Ўша асар, 225.

⁷⁷ Айний, Куллиёт, 284-285.

⁷⁸ Ойбек, 15-16.

мазмунда гапирган⁷⁹ (*Билмон, не жарима била султон Абу Саъид Мирзо Ҳиротдин ихрож қилди. Самарқандга борди, неча йилким, Самарқандда эди*). Бобур Самарқандни нега тилга олгани ҳақида айтадиган бўлсак, Машҳадга боргани ҳақида билмаган ҳам бўлиши мумкин. Аммо унинг Самарқандда яшаганидан хабардор бўлган. Қолаверса, Бобур Мир Алишернинг таржимаи ҳолини батафсил баён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган, балки хотирасида қолган ахборотни тақдим этган. Тўғри, Бобур Навоийнинг Ҳиротдан чиқиб кетиши Абу Саъид билан боғлиқ деб қараган ва шоҳнинг бу ишидан таажжубланган. Чунки шоирлар ва илм аҳлига ҳомийлик қилиш шоҳлар одати бўлган. Шоирлар ва илм аҳли сиёсатда бетараф бўлганлар. Улар бир подшоҳдан қанчалик мурувват кўрсалар, унинг вафотидан кейин унга мухолиф (ҳатто қотили) бўлган кейинги подшоҳлардан ҳам шунчалик мурувват кўрганлар. Шоирлар қадим-қадимдан салтанат беағи ҳисобланганлар, султон отини дунёга таратганлар, улуғворлигини тарих саҳифаларига нақш этганлар. Шоирлар ва илм аҳлига ҳомийлик қилиш барча султонларга обрў келтирган. Акс ҳолда, шоирларнинг ўткир ҳажвлари султонни етти иқлимга кулгу ҳам қилишга қодир эди. Навоий ўзи эътироф этганча, Ҳиротни тарк этишига “чорасизлик, фалокат, тақдир ва хафагарчилик” сабаб бўлган бўлса, бу унинг ўзигагина маълум бўлган сабабларга кўра рўй берган. Навоий Абу Саъид Мирзо замонида сиёсат билан шуғулланмаган бир шоир эди. Ҳусайн эса Абулқосим Бобур вафотидан сўнг Навоий билан кўришмаган, Навоий эса бу даврда Ҳиротда ҳам Машҳадда юргани каби шоирлар муҳитида, жўшқин ижод билан банд, сиёсатдан анча йироқ шоир сифатида тасаввур уйғотади. Агар Абу Саъиднинг Навоийга Ҳусайн Бойқаро туфайли хусумати бўлганда, унинг ўғли Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Бойқарога қарши кўшин тортганда Навоийни ўзи билан олиб кетмаган бўларди. Бу ҳақда “Равзат ус-сафо”да куйидагича маълумот мавжуд: “...то дар ин айёмки, Мирзо Султон Аҳмад бино бар таважжуҳи хоқони мансур (Ҳусайн Бойқаро) ба суби Хуросон аз оби Амуя гузашт Амир Алишер низ хамроҳи ўрду равон шуда буд. Баъд аз таҳқиқи хабари воқеаи (яъни фавти) Султон Абу Саъид ва истилои хоқони мансури музаффарливо (яъни Ҳусайн Бойқаро) бар балдаи фоҳираи Ҳирот, аз амир Ҳожибек рухсат талабида ижозат ҳосил намуда ва рўй ба Ҳирот овард”⁸⁰. (...Бу ҳаёт шунгача давом этдики, Мирзо Султон Аҳмад Ҳусайн Мирзога қарши Амудан кечиб, Хуросонга юриш қилганда Амир Алишер ҳам унинг ўрдусида эди. Абу Саъид Мирзо ўлими воқеаси ва Ҳусайн Бойқаронинг Ҳиротни эгаллаганлиги ҳақидаги хабар аниқлангандан сўнг Аҳмад Ҳожибекдан рухсат олиб Ҳиротга юзланди.)

Ушбу маълумот Абу Саъид ва унинг ўғли Навоийдан мутлақо хавфсирамаганини билдиради. Агар султон Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога яқин алоқаси борлиги учун душманона кайфиятда бўлганда эди, унда Абулқосим Бобурнинг амирларини ўз хизматида олганини қандай изоҳлаш мумкин? Уларнинг кўпчилиги Ҳусайннинг устозлари ва яқинлари бўлганлар (Худди шундай Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам Абу Саъиднинг амирларини ўз хизматида олган). Темурий султонлар наздида кўкалдошлар ва амирлар қайси бир темурий султонга хизмат қилганига қараб эмас, балки умуман, темурийлар сулоласи султонларига яқинликларига қараб қадрланган. Шунинг учун ҳам султонлар ўзгараверсалар-да, кўпчилик амирлар иззат-ҳурматда қолаверганлар. Кўкалдошлар темурийларга яқин кишилар сифатида шу давлат ҳудудида алоҳида эътиборга эга бўлганлар. Темур тузуклари қоидаларига кўра, ғаним тарафидан кимки ўз давлатидан умидини узиб, бир подшоҳ қошига келиб, хизмат қилса, бу подшоҳ уни азиз тутиши, унинг мухолиф подшога вафодорлигини унутиб, мартабасини улуғ қилиши лозим бўлган. Бу жиҳатдан ҳам тадқиқотларда айтилган Абу Саъиднинг Навоийга Ҳусайн билан бирга ўстанлиги учун ёмон муносабатда бўлиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Захириддин Бобур Навоий сиймосида мудҳиш жиноятчини кўрмагани учун ҳам шоҳнинг бу ишидан таажжубланган. Ачинарлиси шундаки, Е.Бертельс ҳам “Навоий” монографиясида Навоийнинг Самарқандга бор-

⁷⁹ Бобурнома, 132.

⁸⁰ Равзат ус-сафо, 15.

ганлигини сургун хисоблаб, бу пайтларда Самарқанд илм-фан маркази эмас эди, деб фикр билдиради. У Бартольд сингари Садриддин Ривосий масаласини кўрсатмаса-да, аммо тоғалари ва бадахшонийлар фожиасидан кейин шоир қочишга мажбур бўлди, деб таъкидлайди⁸¹.

Унинг Ҳиротдан чиқиб кетишига сургун тусини бериш В.Бартольд учун нега зарур бўлгани тушунарли. У Бобур маълумоти атрофида манбалардаги барча фактларни ўз мақсадига мослаштирди. Жумладан, Навоийнинг Бадахшон шохларига ҳурмати, Ҳусайн билан дўстлиги ҳолатларини бўрттириш орқали Абу Саъиднинг уюшган мухолифларини “ташқил” этди. Шайх Садриддин Ривосий шахсияти билан боғлиқ тахминлар мутлақо асоссиз. Шайх Садриддин Ривосий ёши улуғ киши бўлиб, асосий умри Мадина, Миср ва Сурия ўлкаларида ўтган. Ёши ўтиб ватани Исфаройинда сўфийлар жамоасига пешволик қилиб турганда Султон Абу Саъиднинг қистови билан Ҳиротга кўчиб ўтади ва айнан ҳижрий 871 йил рамазон ойининг ўнинчи куни (мил. 1467 йил 10 апрель) Ҳиротда вафот этади. Алишер Навоий унинг қўлида “Ваҳдат ул-вужуд” таълимоти бўйича сабоқлар олган ва “кўнглумни баса сайд қилди” дегани улуғ устозга бўлган меҳр-муҳаббатини ифодалайди. Навоийнинг тоғалари ёки Бадахшон шохининг Абу Саъид буйруғи билан қатл этирилиши султон ва Навоийнинг бир-бирига совуқ муносабатда бўлишларига асос бўла олмайди (Навоийнинг жияни Амир Ҳайдарнинг Ҳусайн Бойқаро томонидан қатл этилиши каби). Акс ҳолда Абу Саъид Мирзо Алишернинг Самарқандда ҳукмрон доираларда иззат-икром кўришига йўл қўймаган бўларди. Алишернинг тоғаларига биз шоир сифатида қарасак-да, улар аслида ҳарбий бўлишган. Уларнинг Абу Саъид лашкари билан қуролли тўқнашувлар чоғида шахид бўлиши уруш қонуниятларига тааллуқли. Мир Саид Кобулий Абу Саъид ва Астрободда мустақиллик эълон қилган Ҳусайн Бойқаро ўртасида ҳижрий 864 йил шаъбон ойи (мил. 1460 йил июнь) ойида кечган Сарахс тўқнашувида⁸² қурбон бўлган. Иккинчи тоғаси Муҳаммад Али Ғарибийнинг вафоти анча илгари содир бўлган. У Ҳусайн Бойқаро билан бирга Абулқосим Бобурнинг 1453 йил Самарқандга Абу Саъид Мирзога қарши юришида қатнашган. Икки подшоҳ ўртасида сулҳ тузилгач, Ҳусайн акаси Бойқаро, поччаси Султон Аҳмад ва унинг ўғли Мирзо Кичик билан Самарқандда қолиб, Абу Саъид хизматида қиради. Аммо сал ўтмай Ҳусайн амакиваччаси Султон Увайсининг Абу Саъиддан тахтни тортиб олиш ҳаракатини қўллаб-қувватлашда айбланиб, ҳибсга олинади. Гарчи Ферузабегимнинг илтимосига биноан Ҳусайн ҳибсдан озод этилиб, Ҳиротга жўнатилган бўлса-да, Султон Увайс ва унинг тарафдорлари қатл қилинган⁸³. Навоий ёзишича, тоғаси Муҳаммад Али Ғарибий шу талотўплар чоғида Самарқандда қатл этилган⁸⁴. Бадахшон шохи тақдири ҳам худди шундай.

Тўғри, Ҳусайн Бойқаро ҳамиша Абу Саъиднинг ғазабини кўзгатиб юрган. У Абулқосим Бобур вафотидан сўнг ўз давлатини тузиш режасини амалга ошира бошлайди: Марвга чиқиб оз вақт ичида бир қанча ерларни забт этади. Қайнотаси Султон Санжарнинг Марвга ҳоким этиб тайинлангани ҳам уни бу йўлдан қайтара олмайди. Улар ўртасида келишмовчилик бошланади. Шу жараёнда айрим лашкарбошилариининг вафосизлиги туфайли эгаллаган ерларини бой бериб, сахрою биёбонларда саргардон бўлиб юришига тўғри келган. Аммо у шунда ҳам ўз режаларидан воз кечмайди. Ўз атрофига содиқ жангариларни тўплаб яна қатта босқинларни режалаштиради. Ҳусайн Бойқаро 862 йил зулҳижжа ойида (мил. 1458 йил 10 октябрь 8 ноябрь) Астрободни Қорақуюнли Жаҳоншоҳ Туркманнинг қариндоши Ҳусайн Саълдудан тортиб олади ва Султон Абу Саъид Мирзо номига хутба ўқиттириб, танга зарб қилади. Бирок кейинчалик мустақиллик эълон қилгани учун Султон Абу Саъид Астрободга қўшин тортиб, Ҳусайнни қочишга мажбур қилади. Шундан бери Ҳусайн Хуросоннинг чегаралари яқинла-

⁸¹ Бертельс, 77.

⁸² Маглаи саъдайн, 494-497; Мажолис, 335.

⁸³ Маглаи саъдайн, 372-373.

⁸⁴ Мажолис, 336.

рида, Хоразм ерларидан босқинлар уюштириб, катта-кичик қуролли тўқнашувларга сабабчи бўлар ва Абу Саъиднинг ҳаловатини бузиб келарди. Мовароуннахр ва Хуросоннинг мутлақ ҳукмдори бўлмиш тажрибали Султон Абу Саъид учун Ҳусайн катта хавф туғдирмас эди. Унинг давлатига жиддий хавф солаётган мамлакатнинг ғарбида жойлашган қудратли туркманлар салтанати бўлганини унутмаслигимиз керак.

Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида

«Равзат ус-сафо»да келтирилишича, ҳижрий 869 (мил.1464-1465) йил Аҳмад Ҳожибек Абу Саъид Мирзо фармони билан шахзода Султон Аҳмад Мирзонинг оталиғи сифатида Самарқандга йўл олади⁸⁵. У бунгача Ҳирот ҳокими вазифасида фаолият кўрсатган эди. Алишер Ҳиротда яшаб юрганида Аҳмад Ҳожибек уни ўзига яқин тутган. Чунки у ҳам яхшигина шоир бўлиб Вафой тахаллуси билан ижод этарди. Навоий у ҳақида “Мажолис ул-нафоис”да ёзади: “... Вафой тахаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топди. Ҳирот дор ус салтанатида ўн йилга яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди...”⁸⁶

Шу воқеадан 1-2 йил ўтиб Алишерни ҳам Самарқандда кўрамиз. Алишернинг яқин дўсти Шайхим бек Сухайлий ҳам Самарқандда. Хондамир “Макорим ул-ахлоқ”да Навоий тилидан айтишича, Шайхим Сухайлий Султон Аҳмад Мирзо номига қасида ёзганда уни Алишер тахрир қилиб берган экан⁸⁷. Балки Алишер Самарқандга дўсти Шайхим билан бирга келгандир? Чунки тарихдан биламизки, ҳукмдор ҳузурига биринчи бор борилганда шоирлар энг яхши совға сифатида қасида ёзиб борганлар.

Аҳмад Ҳожибек каби қалам ва мулк соҳибининг Самарқандда бўлиши ёш шоир учун айни муддао бўлган бўлиши мумкин. Бу унга шеър қадрига етувчи инсон ҳомийлиги остида умр кечиришга умид уйғотган бўлса не ажаб.

Бундан ташқари ўша даврларда Самарқанд нақшбандия тариқати маркази бўлиб, Мовароуннахрнинг забардаст пири комили Хўжа Аҳрор атрофида минглаб муридлар йиғилган эди. Шу нуқтаи назардан Самарқанд сўфийлари билан танишиш, устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзганидек, пири комил хизматига кириш, кейинги ҳаётини нақшбандия тариқати билан боғлаш истагида ёниб турган ёш илм истовчи учун бу сафар қулай имконият эди. Абдураззоқ Самарқандий маълумотига қараганда, Алишер Самарқандда Хўжа Аҳрор суҳбатида бўлган. Аммо негадир унга мурид тушмаган. Алишер ўз қарорини ўзгартириб, Фазлуллоҳ Абу Лайсий мадрасасига ўқишга киради⁸⁸.

Бу даврда Самарқанд обод диёр бўлиб, Мирзо Улуғбек томонидан асос солинган жаҳоний илмфан маркази анъаналари ҳали сўнмаган, исломий илмларнинг алломалари хануз ханафийлик таълимотини мукамал ўқитиш билан банд эди. Алишер Фазлуллоҳ Абу Лайсий мадрасасида икки йил таҳсил олади⁸⁹. “Равзат ус-сафо” муаллифи Алишернинг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида шундай ёзади: “...дар хонақоҳи Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ сокин гашт ва аксар авқотро ба мутолаа масруф дошт”⁹⁰ (... Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ (Абу Лайсий) хонақосида яшади ва асосий вақтини ўқиш билан ўтказди.) Абдураззоқ Самарқандий ҳам Алишернинг Самарқандда таҳсил олганига ишора қилади⁹¹. Таҳсил тугагандан сўнг Алишер бир муддат Самарқандда қолади. Бу даврда нима иш билан шуғуллангани маълум эмас. Навоий “Вақфия”да шундай ёзиб қолдирган: “... ҳеч навъ хизматга ўз қобилиятимни ченамаган жихатдин ва ҳеч турлук машаққатга ўз қувватимни англамагон сабабдин борча таманно эшигин юзумга мадрус ва жамиъи муддаолар аввобин илайимга масдуд қилиб эрдим”⁹². “...ҳеч қандай хизматга ва ишга ўз қобилиятимни ченамаганим, чоғламаганим ва ҳар қандай машаққатга,

⁸⁵ Равзат ус-сафо, 290.

⁸⁶ Ўша асар, 402.

⁸⁷ Макорим, 119.

⁸⁸ Матлаи саъдайн, 331^а; Равзат ус-сафо, 15.

⁸⁹ Вақфия, 309.

⁹⁰ Равзат ус-сафо, 15.

⁹¹ Матлаи саъдайн, 331^а.

⁹² Вақфия, 165.

меҳнатга ўз қувватимни англамаганим, синамаганим сабабли барча истак-хоҳиш ва олдимга қўйган барча мақсад-муддаолар, истак-хоҳишлар эшикларин ёпган эдим” (*Ўғирувчи Б.Қобул*).

“Равзат ус-сафо” муаллифининг ёзишича, у кўпинча Мовароуннаҳр бошқарувчилари бўлган Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибек билан суҳбат курарди (... гоҳи бо Амир Дарвиш Муҳаммад Тархон ва Амир Аҳмад Ҳожибекки, соҳибихтиёри сари кори Мовароуннаҳр буданд, ихтилот менамуд)⁹³.

“Мақорим ул-ахлоқ”да келтирилган “Хусайн Бойқаронинг Балх атрофларига бостириб кириш воқеалари баёни”да Алишер Навоий номи икки жойда эслатилади. Биринчисида Султон Аҳмад Хусайн Бойқаро хужумини дафъ этиш учун Аҳмад Ҳожибек қўмондонлиги остида қўшин юборганда қўмондон қароргоҳида Алишер Навоий ҳам борлигини кўрамыз. Иккинчисида ўша пайтларда Алишер лашкарбоши Султон Ҳасан Архангий навқари бўлиб тургани айтилади⁹⁴.

Айнан шу воқеалар Хусайн Бойқаронинг Ҳирот тахтини эгаллаши арафасидаги воқеаларга тааллуқли. Сал ўтмай Хуросон тахтига ўтирган Хусайн Бойқаро Султон Аҳмад Мирзога мактуб йўллаб Алишерни Ҳиротга чақириб олади. Бундан маълум бўладики, мадраса тахсилдан сўнг Алишер Самарқандда кўп яшамаган. Шу нуқтаи назардан унинг Самарқанддаги ҳаётини 1467–1469 йиллар билан чегараласа бўлади.

Алишер Навоий ўзининг Самарқанддаги ҳаёти ҳақида кам маълумот қолдирган бўлса-да, «Мажолис» асаридаги қайдлар асосида унинг Самарқанд адабий муҳитида фаол иштирок этганини билиш мумкин. Хусусан, самарқандлик ижодкорлар билан доимий суҳбатлари, Сафойи, Мавлоно Жавҳарий, Мавлоно Ховарий, Ҳалвоий, Улои Шоший, Мавлоно Юсуфлар билан танишуви, Юсуф Бадеий билан ошно киришиши унинг Самарқанд адабий муҳитида ўзига хос ўрни бўлганини билдиради. Мавлоно Мир Қаршийнинг саҳхофлик дўқонида ўтказиб туриладиган мушоираларда қатнашиб турганлиги⁹⁵, Мавлоно Риёзий билан шеър устида баҳс юритиши унинг Самарқанд фозиллари билан яқин алоқада бўлганлигини тасдиқлайди. Яна баъзи хотиралар борки, махсус кўрсатилмаган бўлса-да, улар Самарқанддаги даврига тааллуқли, деган фикрдамыз. Масалан, Навоий Мавлоно Риёзий фикрасида қуйидаги воқеани эслайди: “Бу ғарро матла анингдурким:

Ситораест дури гўши он ҳилол абру,
Зи рўи хусн ба хуршед мезанад паҳлу.

Икки мисра орасида рабт жиҳатидан бир “ки” лафзи керак. Фақир дедимки, бу навъ яхшироқ бўлғайки:

Зи рўи хусн дури гўши он ҳилолабру
Ситораест ки бо моҳ мезанад паҳлу.

Инсоф юзидин керакки, мусаллам тутса эрди, жадал бунёд қилди, фақир соқит бўлдим. Ўз ёронлари талоштилар ҳам қабул қилмади. Самарқандда фавт бўлди”⁹⁶.

Навоийнинг ўринли танқидига Риёзийнинг эътироз билдиргани бу воқеа унинг йигитлик даврида рўй берганлигини кўрсатади. Зеро, Навоий ўрта ёшларда шунчалик машҳурлик тутган эдики, унинг маслаҳатларига ҳатто Абдурахмон Жомий қулоқ осар эди. Демак, Навоийнинг

⁹³ Равзат ус-сафо, 15.

⁹⁴ Мақорим, 97.

⁹⁵ Мажолис, 328.

⁹⁶ Ўша асар, 329.

шоирлик маҳорати юксак эса-да, ҳали ёш йигит эканлиги сезилади. Воқеанинг Самарқандда содир бўлганига Риёзийнинг “Самарқандлиғдур” ва Самарқандда вафот этди” дейиши далил бўлиши мумкин. Чунки Мажолисда қўлланган қурилма бўйича зикр этилган воқеа тавсиф этилмишининг ўз ватанида содир бўлган бўлса Навоий шоир ватанини тилга олиш билан кифояланган. Агар шоир бошқа жойга кўчиб борган бўлса, айна асар ёзилаётган даврда муқим турган жойи таъкидланган (масалан, Андижондиндур, сўнгра Самарқандга борди). Шунга қараганда, Риёзийни самарқандлик дейиш асносида Навоий воқеа Самарқандда бўлганлигига ҳам ишора этган.

“Мақорим ул-ахлоқ”да келтирилган баъзи маълумотлардан Аҳмад Ҳожибек Алишерга катта ҳурмат билан қараганини сезиш мумкин⁹⁷. Самарқанд ҳокими Аҳмад Ҳожибекдек санъатсевар ва шоир кишининг Навоий моддий таъминотиغا бефарқ бўлиши ишонч уйғотмайди. Заҳириддин Бобур Алишербекка Самарқандда Аҳмад Ҳожибек мураббий ва муқаввий (ҳомий) бўлди⁹⁸ дейишидан унинг ҳоким томонидан моддий қўллаб-қувватланганлигини билиш мумкин.

Бироқ Фахрий Ҳиротий Навоийнинг ўз оғзидан эшитганлари асосида “Совуқ кечаларнинг бирида Алишернинг ҳаммомга бориш зарурати туғилгани ва ҳаммомчига ёнидаги жуздонини гаровга қўймоқчи бўлса ҳам, у қабул қилмаганлиги” воқеасини ўз тазкирасида келтирар экан унинг бойлиги кейинчалик Хусайн Бойқаро даврида тўпланганлигига ишора этади⁹⁹. Айнан шу маълумот навоийшуносликда Алишер ёшлигида ночор умр кечиргани ҳақидаги хулосаларга асос бўлади. Тадқиқотларда бу воқеа бир қанча тахминий қўшимчалар билан янада ривожлантирилган. Е.Э.Бертельс “Ҳайрат ул-аброр” дostonидаги ўн биринчи мақолатда келтирилган ёш толиби илмнинг катта шаҳардаги аҳволи баёнига суяниб Навоийнинг Самарқанддаги ҳаётини қийинчиликда ўтган деб ҳисоблайди¹⁰⁰. Худди шу мисол В.Абдуллаев томонидан ҳам, Иззат Султон томонидан ҳам келтирилади. В.Абдуллаев уни қашшоқлик ва муҳтожликка изоҳ сифатида келтирса¹⁰¹, Иззат Султон муҳтожлик ва мағрурлик тасдиғи сифатида кўрсатган¹⁰². Бизнингча, Фахрийнинг маълумотига танқидий қараш лозимга ўхшайди. Бу ҳар бир инсон ҳаётида учрайдиган тасодифий ҳолат. Агар Алишер Самарқандда қашшоқ бўлганда шахсий хизматкор сақламаган бўларди. “Мақорим ул-ахлоқ” асарида Алишернинг Пир Аҳмад номли хизматкори бўлгани ҳақида маълумот бор¹⁰³.

⁹⁷ Мақорим, 93.

⁹⁸ Бобурнома, 132.

⁹⁹ Латоифнома, 134.

¹⁰⁰ Бертельс, 80.

¹⁰¹ Абдуллаев, 32–35.

¹⁰² И.Султон, 174–179.

¹⁰³ Мақорим, 135.

Амир Алишернинг феъл-атвори ҳақида

Алишер Навоий тарих зарварақларида мангу нақшланишига сабаб бўлган уч асос мавжудлигини яхши биламиз. Бу – унинг беназир (тенгсиз, ўхшаши йўқ) истеъдодидан дарак берувчи буюк асарлари, машхур давлат арбоби бўлгани ва ниҳоят, уни улуғ пир мақомига кўтарилган хулқ-атворидир.

Навоий замонасида ва кейинги асрларда Алишер Навоий ҳақида маълумот берувчи ёзма манбаларнинг деярли барчасида унинг хулқ-атвори ҳақида махсус тўхтаб ўтилган. Бунда ҳам икки ёндашув кўзга ташланади: биринчисида Амир Алишернинг фазилатларидан ҳикоя қилувчи нақллар орқали инсон камолоти мезонлари тарғиб этилса, иккинчисида ушбу машхур тарихий шахснинг оддий инсонларга хос хулқ-атворини кўрсатиш устуворлик қилади. Ҳар иккала ёндашув таъсирини XVI–XIX асрларда яратилган барча манбаларда бирдек сезиш мумкин.

Навоийнинг юксак инсоний фазилатлари ва феъл-атвори ҳақида қолдирилган маълумотлар унинг замондошлари Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ, Зайниддин Восифий ва Заҳриддин Бобур қаламига мансуб.

Давлатшоҳ унинг камолот даражасини шундай тавсиф этади: “Муносиб дўстлари, (баланд) мартабали арбоблар унинг ёқимли суҳбатидан миннатдор ҳамда розидирлар. Унинг ҳимматли мажлисларида қатнашиш фозиллар тилаги, олий даргоҳи фуқаронинг мурожаатгоҳи, дастурхони дарвишлар учун турли нозу неъматларга тўла, эшиги муҳтожларга ҳамма вақт очикдир... Бу улуғ амирнинг мақбул табиати ва мулоим феъли султон жанобларига яқинлик, мусулмонларнинг муҳим ишларига кафиллик, шарият ва суннат, мулку миллат ишларини раванқ топтириш билан банд бўлса ҳам ҳамиша фазилат орттириш ва илм билан машғулликка мойил”¹⁰⁴.

Навоий ҳамиша шарият қонун-қоидалари ва пайғамбар суннатида мувофиқ иш кўрар, давлат ва халқ манфаатини кўзлаб иш тутарди. Ҳар бир ишида адолат нуқтаи назаридан зўравонлик кўрганларнинг муаммоларини ҳал қиларди. “Равзат ус-сафо”да келтиришича, 1470 йилнинг бошларида Султон Ҳусайн Бойқаро Имом Ризо мазорини зиёрат қилиш учун Машҳад шаҳрига борган вақтда Абдулхатиб Ҳиротда қолган девон мушрифидин Қутбиддин Товус Симоний устидан подшоҳга шикоятомуз гапларни етказиб, унинг лавозимини эгаллашга эришади. Сўнг хожа Низомиддин Бахтиёр билан тил бириктириб, ҳокимиятни ўз билганларича бошқариб, халққа бениҳоя жабру зулм кўрсата бошлайдилар. Бу эса, ўз навбатида, халқнинг безовталанишига олиб келади. Султон Ҳусайн бундан хабар топган замониёқ Амир Алишерни Ҳиротга жўнатади¹⁰⁵. Навоий Ҳиротга келиб, Низомиддин Бахтиёрни ҳибсга олади ва Қутбиддин Товусни яна ўз лавозимига тайинлайди. “Равзат ус-сафо” муаллифи асарда у ёки бу муносабат билан Амир Алишер иштироки рўй бераётган бўлса, у албатта, ўзининг улуғ Амирга бўлган чуқур эҳтироми юзасидан Алишерга хос бўлган хусусиятларни баҳоли қудрат, воқеалар силсиласида ажратиbroқ кўрсатишга ҳаракат қилади. Масалан, юқорида кўриб ўтганимиз, яъни султоннинг Ҳиротда тартиб ўрнатиш учун Амир Алишерни юбориши ва унинг сотқин, золимларни жазолаши “Матлаи саъдайн”да қуруқ баён шаклида берилган¹⁰⁶. Мирхонд эса ўзи яхши билган кишининг характерини тўлароқ очиб беришни лозим топган: “Амир Алишер аввал, шаҳарга бориб, ўзининг табиий одатига кўра (!) бефойда кунлардан уларнинг (халқнинг) кўнгилларига етган захмларга малҳам қўйди. Ситамдийда мазлумлар кўнглини овлаш бобида тўла эҳтимом кўрсатди ва золимларнинг зулми дафъига киришди ва буюрдикки, аввал олий

¹⁰⁴ Давлатшоҳ Самарқандий, 190.

¹⁰⁵ Равзат ус-сафо, 19; Равзат ус-сафо, 37^а.

¹⁰⁶ Матлаи саъдайн, 341^а.

ёрлиқни жума куни минбардан туриб ўқиб эшиттирсинлар... Шу сабабдан халқнинг кўнгли тинчу осуда бўлиб, подшоҳнинг давлату иқболи давом этишининг ҳамду саноси ва Амир Алишернинг улуғлиги ва шуҳрати ортиши дуосига қўл очдилар”¹⁰⁷.

Навоийнинг маънавий қиёфасини тўла акс эттирувчи асар, сўзсиз, Хондамирнинг “Мақорим улахлок” ҳисобланади. Хондамир улуғ мураббийнинг илм аҳлига бўлган муносабатини, унинг тарбияси остида етишиб чиққан олиму фозиллар, яратилган муҳим асарлар ҳамда қурдирган маърифат масканлари ҳақида етарли маълумот берар экан, Навоийнинг хулқ-атворини иложи борица кенгроқ кўрсатиб беришга ҳаракат қилган. Унинг аксар вақти шоир ҳузурида ўтган. Шунинг учун “Мақорим ул-ахлоқ”даги маълумотлар шоирнинг кундалик ҳаёти, турмуш тарзи ва атрофдагиларга муносабатини аниқлашда муҳим манбадир. Китоб ўз номидан (“Гўзал хулқлар”, “Олийжаноб хулқлар”) кўриниб турганидек, Алишер Навоийнинг таҳсинга сазовор фазилатлари ҳақида ёзилган. Хондамир Амир Алишерни болалиқдан Аллоҳ назарида бўлган шахс деб билади. Унинг ёзишича, Шоҳрух Султон вафотидан сўнг Шерозга кўчиб кетган Алишерлар оиласи бир неча йилдан сўнг Язд чўли орқали Ҳиротга қайтадилар. Йўлда Алишер ухлаб қолиб отдан йиқилиб тушади. Тун бўлгани учун ҳеч ким буни сезмайди. Алишер ҳам қаттиқ чарчаганидан йиқилган жойида ухлаб қолаверади. Тонг отгач, Алишер кимсасиз чўлда бир ўзи қолиб кетганини кўриб кўрқиб кетади. Эс-хушини йиғиб олиб, ёнида турган отга миниб қарвон изидан йўлга тушади. Йўлда жуда чанқайди ва ҳолсизлана бошлайди. Шу пайтда, чўлнинг қоқ ўртасида, бир қора нарсага кўзи тушади. Яқин борса, чучук сув тўла идиш экан. Чанқоғини бостиргач, яна йўлга тушади. Сал ўтмай уни излаб чўлни кезиб юрган отасининг мулозимларига дуч келади. Болага сув етказган Аллоҳнинг иноятидан барча ҳайрон қолади.

Хондамир Алишер Навоийнинг валийларга хос сийратини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратади. Унинг хоксор ва камтаринлиги, мол-дунёга ҳирс қўймагани, саховатпешалиги, қароматлари ҳам шоир ҳаётидан олинган нақл ва ҳикоятларда очиб берилади.

Алишер Навоий ҳақидаги манбаларда унинг нозиктаъб характерга эгалиги ҳақида қайдлар мавжуд. Заҳириддин Бобур шундай келтиради: “Алишербекнинг мижози нозик (нозиктаъб) била машҳурдур. Эл назокатини давлатининг ғуруридин тасаввур қилур эдилар. Андоғ эмас эркандур, бу сифат анга жибиллий экандур. Самарқандда юрғонда ҳам ушмундоғ нозукмижоз экандур”¹⁰⁸. “Бадоеъ ул-вақоеъ”, “Тарихи Рашидий” ва бошқа асарларда учровчи далиллар Навоийнинг нозиклиги унинг тез хафа бўлиши билан изоҳланишини таъкидлайдилар. Шу сабаб XX асрда ҳам шоир ҳаёти ҳақида фикр юритилганда турли талқинларга дуч келамиз. Масалан, В.В.Бартольд Бобур келтирган “назокат” сўзини “нозик дидли” деб таржима қилади¹⁰⁹. А.Н.Болдырев Зайниддин Восифий келтирган нақлларга асосланиб, “ўта таъби нозиклик, тез ва сабабсиз асабийлашув” деб, А.Семенов уни “мағрурлик, “калондимоғлик” деб тушунади¹¹⁰.

Зайниддин Восифий бу масалани ёритишга махсус интилиб мазкур мавзуга алоҳида боб (Амир Алишер мизожи назокати ва латофатининг зикри) бағишлаган. Унда келтирилишича, Мирнинг устозларидан бири Мавлоно Фасихиддин бемор бўлиб, тўшакка михланган экан. Мир Алишер ўз дўстларини кечки овқатга таклиф этади ва таом сузилар ҳаддида устозининг беморлиги ёдига тушиб, хизматкори Соҳибдорога таом бериб, уни кўриб келишга жўнатади. Таомдан сўнг улфатлар ғамгин тортган Алишербекнинг кўнгли ёлғизлик истаб қолди, деган андишада бирин-кетин туриб ташқарига чиқади. “Бу эса Мирнинг кўнглига оғир ботди ва шу пайт бемор ёнидан қайтиб келиб, хонага кирган Соҳибдорога қаттиқ оҳангда: “Алишернинг уйи таомхонаю, Алишер ошпаз экан-да, улфатлар келадилару ош еб кетаверадилар”, – деди.

¹⁰⁷ Равзат ус-сафо (4), 19.

¹⁰⁸ Бобурнома, 153.

¹⁰⁹ Бартольд, 226.

¹¹⁰ Болдырев (2), 123; Семенов, 240.

Соҳибдоро дарҳол ўзини оқлашга ўтиб, унинг айби йўқлиги ва Мирнинг ўзи уни бемор ҳузурга юборганлигини эслатди”¹¹¹.

Мир икки кун Соҳибдоро билан гаплашмайди. Соҳибдоро бу аҳволдан роса танг бўлиб турган маҳалда Мир уни чақириб, “Эй Мавлоно Соҳиб, хатога йўл қўймаслик фақат Парвардигоргагина хосдир. Мен ғазабим туфайли сени устодни кўришга жўнатганимни ёддан чиқаргандирман, сенга эътироз билдирдим. Сен эса ҳаммага эшиттириб ўзингни оқлашинг ва Алишерга нима бўлди, қариб ақлдан озибдими дегандай ҳамманинг кўз олдида мени шарманда ва хижил қилишинг лозиммиди? Дўстлик олами нима бўлди? Индамай қўйсангу менинг хатойимни беркитсанг ва мени одамлар ҳайратига сабабчи бўлишдан сақласанг бўлмасмиди?” дея дашном беради.

Зайниддин Восифий Мир Алишернинг назокатини “тез хафа бўлиш” маъносида тушуниш кераклигини яна бир маълумот билан исботлайди. Унда айтилишича, вазир Мажиддин Муҳаммад Алишер Навоий билан ярашиш мақсадида унинг шарафига зиёфат уюштиради. Зиёфатда ҳазил-хузул бўлишини ҳисобга олиб, шундай давраларда ҳазилкашлиги билан ном чиқарган Абулвосеъ Низомийга ташаббусни кўлга олиш ва даврада шўх кайфиятни яратишни илтимос қилади: “(Мажиддин) Абулвосеъга деди: “Маҳдум, ёрдам берингу, лекин ўз вақтингиз ва ҳолингизга воқиф бўлинг... Иншооллох, яхшилик билан ўтсин”. Мавлоно Абдулвосеъ деди: “...Эртага менинг мажлисга келмаганим бўлсин... шу туфайлики, анчадан бери сиз билан Алишер ўрталарингдаги самимийлик ҳавосини келишмовчилик ғубори қоплаган эди. Алҳамдулиллох, Оллох таоло инояти туфайли бу ғубор тарқаладиган бўлди. Бу мажлис ва маҳфил биноси сўзсиз заиф ҳазил ва ярамас мутойиба асосига қурилиши керак. Мир Алишер олам сўзамолларининг пешвосидир. Ҳеч бир имкони йўқки, бу мажлисда мени аския қилмасалар. Мен у кишини мулоҳаза қилиб, қарши жавоб айтмаслигим мушкул. Унинг нозик мижоз эканлиги сизга маълум-ку! Натижада мен туфайли ўртадаги ярашиш (муддаоиси) барҳам ейди”¹¹².

Мирзо Ҳайдар ҳам уни тез ранжиш одати борлигини қайд этган. У “Тарихи Рашидий”да шундай воқеани келтиради: “...Биной Мир Алишерга кўп қочирим қилар экан ва Мир ҳам аския қилиб: “Мавлоно Биной жинни бўлиб қолибди, уни “Дор уш-шифо”га элтиб нўхат атала ва товонига уриш билан даволанглар”, – деган экан. Шунда у қочиб, Ироққа кетган экан. У ерда Султон Яъқуб мурувватидан баҳраманд бўлиб, бир неча муддат ўтгандан сўнг Ҳиротга қайтибди. Мир Алишер бир киши орқали уни чақиртириб ва лутфу ошнолик кўрсатиб, иззат-икром билан кутиб олибди-да, ўтган воқеалардан узрхоҳлик қилибди. Биной ҳам ўз аскиялари учун узр сўрабди ва улар ярашибдилар. Мажлисда Мир Бинойдан ироқликлар қандай таассурот қолдирганликларини сўраганда, Биной ироқликларнинг ҳеч ҳам туркий шеър ёзмайдиганлари зўр таассурот қолдирганлигини айтибди. Шунда Мир:

¹¹¹ Бадоеъ ул-вақоеъ, 401.

¹¹² Ўша асар, 407.

Конец ознакомительного фрагмента.

Текст предоставлен ООО «Литрес».

Прочитайте эту книгу целиком, [купив полную легальную версию](#) на Литрес.

Безопасно оплатить книгу можно банковской картой Visa, MasterCard, Maestro, со счета мобильного телефона, с платежного терминала, в салоне МТС или Связной, через PayPal, WebMoney, Яндекс.Деньги, QIWI Кошелек, бонусными картами или другим удобным Вам способом.